Adabiyot, madaniyat yashasa — millat yashaydi

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan

ADABIY-BADIIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY, IJTIMOIY GAZETA

2021-yil 11-iyun / № 24 (4631)

ҚАШҚАДАРЁДА ДИЛТОРТАР УЧРАШУВЛАР

Айни кунларда Ватанимиз Мустақиллигининг ўттиз йиллиги муносабати билан вилоятларда «Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!» шиори остида маданий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Шу муносабат билан биз бир гуруҳ ижодкорлар — таниқли шоирлар, актёрлар ва хонандалар пойтахтдан Қашқадарёга йўл олдик. Қарши шаҳри кейинги йилларда тубдан чирой очиб, янада гўзаллашган. Кенг кўламли бунёдкорлик, ободлик ва ўзгаришлар, албатта, ҳаммаси халқимиз, инчунун, ҳар биримизнинг ҳаётимизга бевосита дахлдор, десак янглишмаймиз.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида рўёбга чиқарилаётган 2017 — 2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси, шунингдек, "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили" давлат дастури доирасида воҳада амалга оширилаётган ишлар юрт ободлиги ва аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга қаратилмоқда. Бунда, айниқса, таълим сифатини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, пандемияга қарши кураш, камбағалликни қисқартириш, коррупцияга қарши кураш каби вазифаларга жиддий эътибор қаратиляпти.

Давлатимиз раҳбарининг: "Агар катта авлоднинг билими ва тажрибасини, узоқни кўра олиш фазилатларини ёшларимиздаги ғайрат-шижоат, мардлик ва фидойилик билан бирлаштира олсак, кўзланган марраларга, албатта, етамиз. Янги Ўзбекистонни ана шундай билимли ва бунёдкор ёшларимиз билан биргаликда барпо этамиз" деган фикрларига таянадиган бўлсак, сўнгги йилларда ёш авлодга алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмаслигини англаймиз. Зотан, юрт равнақи ва аҳоли фаровонлиги бугунги ёшларнинг таълим-тарбияси, интеллектуал салоҳиятига боғлиқ.

Бугунги кунда вилоятдаги 1697 та мактабгача таълим муассасасида 128 минг нафар бола тарбияланмоқда, улар сони 2016 йилга нисбатан 3,4 баробарга ошган.

Жорий йилда Давлат инвестиция дастури доирасида 16 та объектда 57,8 млрд. сўмлик қурилиш, "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" давлат дастури доирасида 10 та объектда 36,1 млрд. сўмлик реконструкция ишлари амалга оширилиши кўзда тутилмоқда. Аниқроқ айтганда, олти ёшли болаларнинг 172 та гуруҳини ташкил этиш, шунингдек, 8 та давлат-хусусий шерикчилик МТМ фаолиятини йўлга қўйиш, 450 та оилавий нодавлат МТМ ташкил этиш орқали вилоятдаги боғча ёшидаги болаларнинг 58 фоизини қамраб олиш мўлжалланмоқда. Ёш авлод таълим-тарбиясига оид ишлар изчил давом эттирилиб, жорий йилда Қарши шаҳрида Президент мактаби ўз фаолиятини бошлайди. Бундан ташқари, 244 млрд.сўм маблағ эвазига 2 та янги мактаб, 38 та мактаб филиаллари ҳамда 38 та мактабда қўшимча бинолар қурилиши ҳам шу йил якунланиши керак.

Қашқадарё воҳаси ер ости хазиналарига бой. Хусусан, бугунги кунда республикада қазиб олинаётган газнинг 64 фоизи, нефтнинг 67 фоизи, газ конденсатининг 87,4 фоизи вилоят ҳиссасига тўғри келаётир. Бу ҳудудда калий тузи, мармар, керамзит, ёнувчи сланец, тошкўмир, қўрғошин, марганец, чинни тоши каби ўндан ортиқ турдаги фойдали қазилмалар мавжуд. Шу захиралардан самарали фойдаланиш мақсадида истиқлол йилларида вилоятда ёқилғи-энергетика саноатини жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. "Муборакнефтгаз", "Шўртаннефтгаз", "Муборак газни қайта ишлаш заводи" каби йирик саноат корхоналарида янги қувватларнинг барпо этилиши нафақат вилоят, балки республика иқтисодиётини юксалтиришда муҳим қадам бўлди. "Шўртангазкимё мажмуаси", "Таллимаржон ИЭС" каби йирик корхоналар ҳам бугун мамлакат иқтисодиётига ўз улушини қўшмоқда. "Гиссарнефтгаз", "Кўкдумалоқгаз", "Шўртангазмахсулот" қўшма корхоналари ташкил этилди. "Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи"да ишлаб чиқарилаётган калийли ўғитлар бугунги кунда кўплаб хорижий мамлакатларга ҳам экспорт қилинмоқда.

Шу ўринда сафар таассуротларига қайтсак. Санъат ва ижод аҳлининг аҳоли, хусусан, ёшлар билан учрашувлари ҳамиша қизғин ҳис-ҳаяжонлар, савол-жавоблар, дилтортар мулоқотлар оғушида кечиши сир эмас. Бу гал ҳам пойтахтдан келган шоир-ёзувчилар, актёрлар ва хонандалар аҳоли, айниқса, аёллар ва ёшлар билан учрашиб, уларга маданий-маърифий қувват ва зиё берибгина қолмай, балки уларнинг орзу-ниятлари, интилишларига яқиндан ошно бўлишди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулчеҳра Носирова, актёр Олтинбек Сафаралиев, хушовоз хонанда Алижон Исҳоқов ва камина иштирокидаги гуруҳимиз сафарнинг илк кунида Миришкор тумани "Жейнов" маданият марказида аҳоли билан учрашди. Меҳмонларнинг ҳар бир чиқиши олқишлар билан кутиб олинаётганини кўриб, халқимизнинг санъат ва адабиётни нечоғли севишига яна бир карра амин бўлдим.

Навбатдаги тадбир Навбаҳор МФЙ ҳудудидаги 14-мактабда ўтказилди. Тўпланган каттаю кичик Олтинбек Сафаралиевнинг қўшиқларига жўр бўлишди. Ижодкорлар ҳам ўз навбатида мактаб ўқувчиларининг шеър ва қўшиқларини тинглаб, юртимизнинг чекка бир маҳалласида ўнлаб ёш истеъдодлар етишиб чиқаётганидан қувонч ва ҳаяжонларини яшира олишмади. Ўша куни бошқа тарғибот гуруҳлари тумандаги "Помуқ" маданият марказида, шунингдек, Косон ва Касби туманларида ўз тадбирларини бошлашди, Касби туманида 120 ўринли мактабгача таълим муассасасининг очилиш маросимига гувоҳ бўлишди. Туман мутасаддиларининг айтишича, ушбу иншоот қурилишига 3 млрд. 200 млн. сўм сарфланибди. Тарғибот гуруҳи аъзолари Касби туманидаги 10-мактабнинг 3-синф ўқувчиси, 2 гуруҳ ногирони Кумуш Сафарованинг ҳолидан хабар олишиб, унга китоблар совға қилишди. Шунингдек, "Ғалаба" маҳалласида истиқомат қилувчи Шобиби момо Хўжақулова хонадонида бўлиб, 5 нафар вояга етмаган невaралари учун озиқ-овқат маҳсулотлари ва китоблар ҳадя қилинди.

▶2

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони

Ўзбегим тожик билан

Дўсту қардошдир азалдан
Ўзбегим тожик билан,
Иккиси бир байт ғазалдан
Ўзбегим тожик билан.
Қай йўсин айлай қиёс мен
Бул ширин дўстлик сўзин,
Тотлидир болдан, асалдан,
Ўзбегим тожик билан.
Бахтга ёр доим Навоий
Токи Жомий бор экан,
Биз улар қўйган тамалдан,
Ўзбегим тожик билан.
Фаҳм этиб боқсанг агарда,
Биз қўша сайёрамиз,
Бу Али сўзлар Зуҳалдан,
Ўзбегим тожик билан.
Бир эгатнинг боши сену
Бир эгатнинг боши мен
Ер экиб тинмас ҳамалдан
Ўзбегим тожик билан.
Бул қадрдон икки дўстга
Хоҳишимдир то абад
Топса бир маъно масалдан,
Ўзбегим тожик билан.

▶3-4

Ўзбекистон Республикаси Давлат Мустақиллигининг 30 йиллигига

АВВАЛ ВА ҲОЗИР

Халқимиз тарихидаги шонли сана – миллий истиқлолимизнинг илк кунларидан бошлаб бугунигача бўлган барча воқеа-жараёнга шу юртда яшаётган кўп қатори мен ҳам гувоҳман. Шу даврда неки рўй берган, қилинган, яратилган ёки аксинча, йўқотилган ва ёхуд бой берилган бўлса, озми-кўпми барчасига шоҳидман. Бири кўз ўнгимда бўлди, бошқаси ҳақида эшитдим, аксарияти ҳақида матбуотда ўқидим. Баъзиларида эса ўзим ҳам иштирок этдим. Демак, у – менинг ҳам тарихим.

ТИЛДАН ҚОЛГАН БОЛАЛИК

Менинг ҳам суягим кўпчилик қишлоқ ёшлари қатори меҳнатда қотган. Бола бўлсам-да, табиийки, шўролар сиёсати туфайли ҳали бошланғич синфда ўқиб юрган кезларимдаёқ пахта яганасидан чопиғигача, теримидан ғўзапояни йиғиштириб олишгача бўлган барча жараёнларда қатнашганман. Қайси бир йили декабрь ойининг нақ 28-санасида "ёрдам"дан қайтганмиз. Ёрдам деганлари ўша давр таомилига кўра, аҳоли кам яшайдиган чўл ҳудудларга йиғим-теримга ёппасига жалб этилиш эди.

Ана шундай ёрдамларнинг бирида синфдошимиз Абдиназар (7-синфда ўқир эдик) кечки пайт далада ухлаб қолган ва эртасига чошгоҳдагина уни беҳуш ҳолда топган эдик. Ёши улуғларнинг айтишича, яна бироз кечикилганда ундан айрилар эканмиз. Афсуски, у қайтиб мактабга бормади, чунки тилдан қолган эди. Ҳозиргача ҳам гапирмайди.

Ҳали ўқувчи бўлсак-да, оқ-қизил мато билан ўралган 1,5-2 метрлик таёқчани байроқдек кўтариб, карта бошида туриб самолётга белги берардик. Бунинг отини дефолиация (ғўзанинг баргини сунъий тўктириш) деб аташарди. Бола эканмизда, шундай "шараф"га лойиқ кўрилганимиздан ўзимизни муҳим одам санаб, бошимиз узра самолётдан заҳар сочишаётганини ҳатто тасаввур ҳам қилмаганмиз. Ахир, "Ҳамма нарса болалар учун!" деган олижаноб шиор ҳар куни қулоғингга қуйиб турилса, ўзинг эса "Бахтли болалик учун партияга раҳмат!" қабилидаги шеърларни қўшиқ қилиб айтиб юрсанг, бошқача бўлиши мумкинми?!

Ёки мактабни битиргач, бир йил пахта тайёрлаш пунктида ишлаганим ҳақида. Институтга ўқишга киролмайдиганлар кўп бўларди у пайтлар. Тасаввур қилинг, аҳолиси 18 миллион атрофида бўлган Ўзбекистонда, адашмасам, атиги 20 дан зиёд олий ўқув юрти бўлар ва унинг ҳам аксарияти педагогика йўналишида эди – ҳар бир вилоятда биттадан. Бошқа барча мутахассисликларга мўлжалланган институтлар сони республика бўйича бир қўлнинг бармоғидан сал ошарди. (Ҳозир юртимизда 140 га яқин ОТМ фаолият юритмоқда – қарийб етти баробар кўп! Мутахассисликлар ҳам шунга яраша – 140 дан ошади).

Хуллас, 15-20 чоғли киши 4 нафардан гуруҳ-гуруҳ бўлиб "понт" босардик. "Понт" деганлари пахтани қор-ёмғирдан асраш учун квадрат шаклида баланд қилиб кўтариш эди. У йилларда Ўзбекистон 6 миллион тонна пахта берарди (ҳартугул, ҳужжатларда шундай эди). Ҳар миллионинчи "довон забт этилган"да бутун республика худди сигири эгиз туққандек хурсанд бўлар, сўнгги "марра" эгалланганда эса, бу ҳақда Марказга тантанали равишда "рапорт" бериларди. Демак, иш ҳам шунга яраша кўп эди. Туну кун ишлардик. Тонг ёруғидан тунги соат 1-2 гача "понт"нинг устида вақтимиз ўтарди. Эҳтиёж учунгина пастга тушиларди, холос.

Тақдир экан, кейинги йили ҳам бир балл етмай, мандатдан қайтдим.

▶2

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

«ВАТАН УЧУН ЯШАЙЛИК!»

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллигига бағишлаб
"ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ВА ФАРОВОН ЯШАЙЛИК!"
ғоясини ўзида мужассам этган, она диёримизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, жонажон Ўзбекистонимизнинг буюк келажаги йўлидаги улуғвор янгиланишлар, фидойи замондошларимизнинг ёрқин сиймолари акс эттирилган, юксак маҳорат билан ёзилган бадиий-публицистик мақолалар, очерклар, насрий ва шеърий йўналишдаги энг сара асарларнинг
"ВАТАН УЧУН ЯШАЙЛИК!"
X Республика танловини эълон қилади.

Танловга 2020 йилнинг 1 августидан 2021 йилнинг 1 августига қадар республикамиздаги вақтли матбуот ва адабий нашрларда эълон қилинган ёки китоб ҳолида чоп этилган бадиий-публицистик мақолалар, очерклар, насрий ва шеърий йўналишдаги асарлар тақдим этилиши мумкин. Уларда замондошларимизнинг фидокорона меҳнатлари, заҳматкаш халқимиз амалга ошираётган бунёдкорлик ишлари, ижтимоий ҳаёт, маънавий-маърифий соҳалардаги оламшумул ўзгаришлар, буюк аждодларимизнинг бой илмий ва маънавий меросини ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли таъминлаш мақсадида Қуролли Кучлар тизимида олиб борилаётган кенг миқёсдаги ислоҳотлар, китоб мутолааси ва китобхонлик маданияти тарғиботи, юртимиз ободлиги, миллий қадриятларимиз ва ёш авлод камоли, миллий ғурур ва ифтихор, Ватан туйғуси, Истиқлол ғоялари ҳаётий мисоллар, теран фикр-мулоҳазалар билан тараннум этилиши лозим.

Танлов иштирокчилари (муаллиф аризаси ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспорт нусхаси, манзил ва боғланиш телефон рақамларини илова қилган ҳолда) ўз ижодий ишларини **"ВАТАН УЧУН ЯШАЙЛИК"** кўрик-танловига деб кўрсатган ҳолда Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, Адиблар хиёбони, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси биноси манзилига почта орқали, шунингдек, pdf форматда badiiy_adabiyot@mail.ru электрон почтаси ёки @vatanuchun30 телеграм манзилига юборишлари мумкин.

Юборилган ижодий ишлар 2021 йилнинг **10 августига** қадар қабул қилинади ҳамда танлов ҳайъати томонидан кўриб чиқилади.

Танлов ғолиблари Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 30 йиллиги байрами арафасида эълон қилинади ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ:

Битта биринчи ўрин – **базавий ҳисоблаш миқдорининг 75 баравари миқдорида;**

Иккита иккинчи ўрин – **базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдорида;**

Учта учинчи ўрин – **базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 баравари миқдорида;**

Бешта рағбатлантирувчи ўрин – ҳар бири базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 баравари миқдорида пул мукофотлари билан тақдирланадилар.

Қўшимча маълумот олиш учун телефон:
(71) 231-83-67.

ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ,
АЗИЗ ИЖОДКОРЛАР!

ҚАШҚАДАРЁДА ДИЛТОРТАР УЧРАШУВЛАР

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Муборак тумани Қарлиқ МФЙ ҳудудидаги 13-мактабдаги учрашув ҳам эсда қоларли бўлди. Пойтахтлик санъаткорлар чиқишларидан сўнг маҳаллий ижодкор, Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Қурбон Қарлиқий ўзининг она ватан мадҳ этилган шеърлари билан пойтахтлик адабиёт ва санъат намояндалари олқишига сазовор бўлди.

Тўғриси, шу пайтгача кўплаб тарғибот тадбирларида иштирок этганман. Кўпинча бу тадбирлар, асосан, кўнгилочар характерда бўлиб, санъаткор ёки шоирларнинг чиқиши билан кифояланар эди. Бу галги тадбирларнинг муҳим жиҳати шу бўлдики, меҳмонлар ва туман ҳокимлиги вакиллари биргаликда ҳудуддаги ногиронлар, кам таъминланган оилаларда бўлиб, уларнинг ҳолидан хабар олишиб, катта савоб ишга қўл уришди.

Мубораклик Ирода Рўзибоева бахтсиз ҳодиса туфайли 1-гуруҳ ногирони бўлиб қолган. Лекин у асло иродасини букмади, исмига муносиб бўлиб вояга етди. Ҳолидан хабар олишга келган тарғибот гуруҳи аъзоларидан Ирода ўзининг келажакда институтда ўқиш орзуси борлигини яшириб ўтирмади. Ўн саккиз ёшдаги бу қизнинг шижоати ва заковати ҳаммамизни ҳайратда қолдирди. Шу куни туман ҳокими Иродага даволаниш учун 10 млн. сўм ёрдам пулини бериш билан бирга институтда ўқишида ҳам кўмаклашишга ваъда берди. “Истиқлол” истироҳат боғидаги амфитеатрда ўтказилган гала концерт тадбирнинг энг кулминацияси бўлди, десам хато қилмайман. Пойтахтлик санъат аҳлининг чиқишларидан сўнг туманнинг турли касбдаги 70 нафар ёшларига субсидия асосида қурилиш ва хўжалик ишларида асқотадиган турли-туман ускуналар, тикув машиналари берилди. Мазкур ускуналар ёрдамида мубораклик бу ёшлар бемалол ўз рўзғорларини тебратиш, ўзларини иш билан таъминлаш имконига эга бўлди.

Деҳқонобод туманидаги ўзгаришлар ҳам бизни бефарқ қолдирмади. Айниқса, Қорашинадаги мусиқа ва санъат мактаби ҳамда Оқиртма қишлоғи аҳли билан учрашувлар эсда қоларли бўлди.

— Мустақиллик йилларида шунчалик кўп ўзгаришлар бўлдики, уларни санаб адоғига етолмаймиз, — дейди биз билан суҳбатда Ўзбекистон халқ бахшиси Қаҳҳор бахши Раҳимов. — Етмиш етти километрдан туманга сув олиб келиниши ҳазилакам ишми?! Бундан ўттиз йил аввал Деҳқонободга темир йўл келиши, аҳоли замонавий вагонларда Ўзбекистоннинг исталган нуқтасига етиб бориши кимнинг тушига кирибди дейсиз? Бугун мана шу тадбирда янграган шеър ва қўшиқлар, ибратли ҳаётий мисоллар ёшларимизга завқ-шавқ улашиш билан бирга уларда аввало Ватанга, қолаверса, илм ва китобга ўзгача меҳр-муҳаббат уйғотади.

— Бугун вилоят аҳолиси турмуш фаровонлиги ва маданияти юксалаётганини воҳада юз бераётган ўзгаришларда кўриш мумкин, — дейди Вилоят маънавият ва маърифат кенгаши раҳбари Лола Саодатова. — Намунавий лойиҳалар асосида кейинги йилларда қурилаётган уй-жойлар қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартирмоқда. 2010 йилдан 2016 йилгача 1481 хонадонли 47 та кўп қаватли уй қурилган бўлса, 2016 — 2020 йилларда 10782 хонадонга мўлжалланган 316 та кўп қаватли уй-жойлар фойдаланишга топширилди. Янги аҳоли пунктлари зарур ижтимоий-иқтисодий, маданий ва маиший инфратузилмалар билан бирга барпо этилмоқда.

Айнан шу ижодий сафар мобайнида биз маҳаллалар, хонадонларда бўлиб, аҳолининг турли тоифалари билан мулоқотларда вилоятда кўпдан кўп хайрли ишлар қилинаётганига гувоҳ бўлдик. Республика Ишчи гуруҳи аъзоси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Нодир Жонузоқ, Вилоят маънавият ва маърифат ташкилоти раҳбари Лола Саодатова, Ёзувчилар уюшмаси аъзолари, шоирлар Салим Ашур, Ўроз Ҳайдар, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Тоҳир Саидов, Нодира Маҳмудова, Аслиддин Дўстов, Гулчеҳра Носирова, истеъдодли актёрлар Отабек Ҳақбердиев, Олтинбек Сафаралиев, Сайфиддин Файзиев, Бахтиёр Аҳмедов, хонандалар Шарафиддин Муродов, Алижон Исҳоқов, Шербек Шодиевнинг ҳар бир чиқиши мухлислар эътирофига сазовор бўлди.

Сўзимизни мухтасар қилиб айтсак, беш кун давомида пойтахт ва вилоят ижод аҳлидан иборат тўртта гуруҳ вилоятнинг 2 та шаҳри, 9 та туманида, хусусан, энг чекка қишлоқларда ҳам бўлиб, аҳоли, ўқувчилар, кекса ёшдаги кишилар билан дилдан қурган суҳбатлари, шубҳасиз, тингловчиларга катта завқ-шавқ улашди.

Абдумажид АЗИМ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ ДЕПУТАТИ САФАР ОСТОНОВ

Ўзбекистон матбуоти оғир жудоликка учради.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутати, “Ўзбекистон овози” – “Голос Узбекистана” газеталарининг бош муҳаррири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Сафар Остонов шу йил 9 июнь куни 73 ёшида вафот этди.

Сафар Остонов 1948 йилда Самарқанд вилоятида туғилди.

1972 йили Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)ни журналистика мутахассислиги бўйича тамомлади.

Ижодий фаолиятини 1971 йили ҳозирги “Ёшлар овози” газетасида бошлаб, турли лавозимларда ишлади. 1990-1996 йилларда “Спорт” ва “Ўзбекистон футболи” газеталари бош муҳаррири сифатида фаолият кўрсатди.

1996-2002 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида масъул вазифаларда хизмат қилиб, оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий, иқтисодий ва маънавий пойдеворини мустаҳкамлаш, соҳани замон талаблари асосида ривожлантириш жараёнларида фаол иштирок этди.

Таниқли журналист 2002 йилдан умрининг охирига қадар “Ўзбекистон овози” – “Голос Узбекистана” газеталарининг бош муҳаррири лавозимида самарали меҳнат қилди.

С.Остонов мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, кенг кўламли ислоҳотларнинг маъно-мазмунини жамоатчиликка етказиш, миллий қадриятларни тарғиб этиш, ахборот соҳасидаги сиёсатни амалга ошириш ишларига муносиб ҳисса қўшди.

2020 йилдан буён Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати сифатида самарали фаолият юритиб, қонун ижодкорлиги соҳасида ўзининг бой билим ва тажрибасини ёрқин намоён этди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан сўнгги йилларда олиб борилаётган халқ билан бевосита мулоқот қилиш асосида жамиятимиз ҳаётини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама ривожлантириш борасида айниқса жонбозлик кўрсатди.

Маҳоратли Журналист Сафар Остонов ижтимоий ҳаётдаги кўплаб долзарб ва кескин муаммоларни дадил кўтариб чиқиб, уларни холис ва ҳаққоний ёритадиган, фаол гражданлик позицияси, ватанпарварлиги билан кенг жамоатчилик ўртасида муносиб обрў-эътибор қозонган ўткир қалам соҳиби эди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда Ёзувчилар уюшмасининг фаол аъзоси сифатида у ўнлаб истеъдодли ёшларга журналистика соҳасининг сир-асрорларини ўргатиб, уларнинг салоҳиятини юзага чиқариш учун ўзини аямасдан, беғараз хизмат қиладиган меҳрибон ва талабчан устоз сифатида танилган эди.

Ўзбек матбуотининг кўзга кўринган намояндаси, таниқли жамоат арбоби Сафар Остоновнинг давлатимиз ва халқимиз олдидаги хизматлари муносиб баҳоланиб, у “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист” фахрий унвони билан тақдирланган эди.

Истеъдодли публицист, камтарин ва самимий инсон Сафар Остоновнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
Қонунчилик палатаси

АВВАЛ ВА ҲОЗИР

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

НОН – АЗИЗ, ОШ – АВЛИЁ

— Уруш бошланган йиллар, 10-11 ёшли боламан, дейди отам. — Отамизни лисапилкага (ўрмон кесишга демоқчи) деб, совуқ юртларга олиб кетишган. Ўшанда касалманд отамни “полутарка”га кўтариб олиб чиқишганию онамнинг изиллаб йиғлашларини ҳеч эсимдан чиқаролмайман. Қўшни қишлоқда бир кишининг қўйини боқаман. Кунлик деб иккита зоғора нон беради. Кечалари очликдан инграб чиқаман. Бир куни тонг саҳар қўйни қирга ҳайдаб, тепаликда очликдан йиғлаб ўтирдим. Хўрлигим келди. Таёқни сермадиму уйга кетдим. Уч кун ваража қилиб ётдим. Онам бечора атала қилиб беради. Ҳар хил гиёҳу томирлардан дамлама ичиради. Бундан ортиқ егуликнинг ўзи йўқ. Нон — азиз, ош — авлиё деганларининг маънисига ўшандаёқ етганман.

Ҳозир шароит бошқа. Мана, ўғлинг дарсдан сўнг бир кун спортга, кейинги кун чет тилини ўрганишга боради. Уйда китоб ўқийди. Қизинг ҳам сузишга, чет тилига бораман, дейди. Кечалари кузатяпман, икковиям қотиб ухлайди. Чарчайди-да. Лекин, бу чарчоқ бошқача. Уларнинг ёшида мен юз карра кўпроқ чарчаганман. Қорним бир тўйиб нон ейиш энг катта орзум бўлган...

Болалигим ўтган Тоғайтемир қишлоғининг бугунги жамолидан ҳайратда қоламан. У пайтлар бир эшак устида хуржуни билан ўтса, иккинчиси тўхтаб турадиган сўқмоқлар ўрнида бугун кенг ва равон йўллар қурилган, бир-биридан зўр машиналар ғиз-ғиз қатнаб ётибди. Қишлоқдан узоқ бўлмаган жойда завод қурилган, худди телевизордагидай. Ҳамма ёқ тоза, саранжом. Дарахтлару гуллар батартиб экилган. Бўз болалар, қизларнинг бари бир хил форма кийиб ишлаяпти.

— Элчилик-да, оғзига кучи етмайдиганлар ҳозир ҳам учраб туради, — давом этади отам бирпаслик сукутдан сўнг. — Анави, Амирқулни биласан. Умр бўйи бир жойда ёлчитиб ишламаган, нуқул ҳаётдан нолийди, унинг оқсоқлигига бошқалар айбдор гўё. Ўтган куни мачитдан қайтаётсак, яна ғингшиб қолди. — Ношукр бўлма. Илгари ким эдингу бугун ким бўлдинг, шу ҳақда ўйла. Неваранг Илҳом чет элда ўқияпти. Ўзинг янги мошинада юрибсан. Қўрангда 2-3 сигир, 5-10 қўй кавш қайтариб ётибди, — дедим жаҳлим чиқиб. — Сўрида ёнбошлаб, қаердалигини ўзинг ҳам билмайдиган Рим деган жой билан гаплашиб, неваранг ҳолидан хабардор бўлиб турибсан. Бир неваранг туман марказида Президент очиб берган мусиқа мактабига қатнайди, деб эшитаман. Энди ўз танангга ўйлаб кўр, шуларнинг бари ниманинг ҳисобидан бўляпти? Ё отангдан биз билмайдиган бирор хазина қолганмиди? Биргина эшаги бўлишини орзу қилиб ўтиб кетди-ку, бечора.

СИНОВЛИ ЙИЛЛАР ЗАЛВОРИ

— Мустақиллик арафасида ҳам осон бўлмаган. Кўпгина республикаларнинг мактаб ҳақида ўйлашга ҳоли йўқ эди, — дейди биринчи ўқитувчим Панжибой домла. — Ўша пайтлар бизда ҳам шароит ўта оғир, молиявий имкониятлар чекланган бўлса-да, бошланғич синф ўқувчилари учун бепул нонушта, ўқувчи-талабалар учун харажатларнинг ярмини қоплаш тўғрисида қарор қабул қилинган. Ўшанда қишлоғимиздан кўпчилик боласини иссиқ овқат учунгина мактабга юборган, чунки уйида ёғли таом беришга ҳамманинг ҳам қурби келавермас эди...

Дарҳақиқат, камина ўша пайтлар ҳозирги Миллий университет талабаси эдим ва бу гапларни яхши эслайман. Гап 1990 йил 2 июндаги Президент қарори ҳақида бормоқда. Қарорга кўра, стипендиядан ташқари қўлимизга бир ойлик талон бериларди. Озиқ-овқат талони, деб аталарди у. Талабалар шаҳарчасидаги исталган ошхонага кириб, ўша қоғозга тушлик қилиб кетаверардик – пул тўламасдик.

...Мустақилликнинг дастлабки уч-тўрт йили ниҳоятда оғир ўтган. Дўконларнинг бўшаб қолгани-ку майли, айниқса, ун, ёғ, гўшт ва шакар жуда тортилиб қолгани одамларнинг тинкасини қуритди. Қишлоғимизда баъзилар ҳатто жўхори ва мошни тегирмонда тортиб, нон ёпишга мажбур бўлди. Ана, қўшнимиз Муроднинг 7 ёшли ўғли мош нонини еяверганидан шишиб ўлган ўшанда. Ишонмасанг, бориб сўра, бечора онаси йиғлаб-йиғлаб айтиб беради.

Маълумот ўрнида: 1990 йили юртимиздаги ҳар ўнта оиланинг биттаси машинали бўлган. Бугун эса ҳар уч оиладан бирининг ҳовлисида замонавий автомобиль турибди. Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2021 йил 1 январь ҳолатига кўра юртимизда жисмоний шахсларга тегишли енгил автомобиллар сони 2 миллион 767 минг 126 та. Яъни, ҳар 100 нафар аҳолига ўртача 8 та енгил автомобиль ёки 100 та уй хўжалигига 49 тадан машина тўғри келади.

... — У пайтлар қишлоғимиздаги машиналар сони бир қўлнинг бармоғидан ошмас эди. Яқинда эринмай санадик, ҳозир қишлоғимизда 94 та енгил, 21 та шахсий юк машинаси бор экан, мотоцикл ва тракторни-ку, айтмаяпман. Ҳалиям яхши эслайман, “Литературная газета”нинг 1991 йил 21-сонида А.Воробьев деган академикнинг бир мақоласи босилган ва унда шундай ёзилган эди: “Мен яқинда Ўзбекистондаги марказий район шифохоналаридан бирида бўлдим. “Барак” тахтадан ясалган, ҳеч қандай оддий шароит ҳам йўқ. Бу ерда эса, (Москвада) кимгадир керак бўлиб қолганидан учинчи болалар гемотология институти қурилди. Ваҳоланки, ўндан ортиқ гемотология маркази мавжуд. Булар қайси маблағ эвазига қурилди, албатта, жойларда қурилмай қолган шифохоналар ҳисобига”.

Академик ёзганидай бу ҳали туман марказидаги аҳвол, қишлоқларни энди ўзинг тусмоллаб олаверасан. Юзлаб, эҳтимол минглаб қурилмай қолган ўша шифохоналар қаторида бизнинг қишлоқ ҳам бўлса, ажаб эмас. Олий маълумотли шифокорлар камлиги ҳам майли, зарур тиббий ускуналар йўқлигидан, айниқса, кексалар ва болалар оддий кўричак ёки бирор ярадан ҳам ўлиб кетаверарди. Бу ёқда эса, «ривожланган социализм»да яшаётганимиз ва эрта-индин «коммунизмга чиқишимиз» ҳақида тинимсиз бонг уриларди. Бугун қишлоғимиз шифохонасидаги шароит шаҳарникидан қолишмайди. Унча-мунча жарроҳлик амалиёти шу ернинг ўзида қилинаверади. Яқин-яқинларгача «Чет элда қилинмаса, иложи йўқ», деган айрим операциялар ҳам бугун вилоят марказларида бажарилмоқда.

ТОР ЖОЙДА ОШ ЕГУНЧА…

…Мустақилликнинг иккинчи йили университетни битириб, аспирантурага қабул қилиндим. У йиллардаги моддий қийинчиликни тасаввур этиш учун баъзи туманларда одамлар ҳатто жўхори ёки мош нон ейишга мажбур бўлганини эслатсам, кифоя қилар балки. Ҳа, бундай воқеалар узоқ тарихда эмас, яқин ўтмишда – 90 йиллар аввалида бўлган эди ва буни ёши катталар яхши эслайди ҳали. Табиийки, ўша пайтлар аспирантга бериладиган мояна билан кун кечириб бўлмас эди. Шунинг учун илмни ташлаб бошқа касбнинг бошини тутиб кетганлар ёки ўзини савдога урганлар кўп бўлди. Мен ҳам ўзимни журналистикада синаб кўрмоқ ниятида шу соҳага кириб қолдим.

Бир неча йил оилам билан ижарама-ижара кўчиб юрдим. Кейин узоқ йиллар бир хонали квартирада тўрт жон – аёлим ва икки фарзандим билан яшадим. Шунисига ҳам шукр қилардим. Чунки пойтахтда шунга ҳам зор бўлган бошпанасиз оилаларнинг ҳисоби йўқ эди. 2018 йилнинг кузига келибгина давлатимиз томонидан яратилган имконият – ипотека кредити эвазига уй-жойимни кенгайтириш насиб этди. Сизга ёлғон – менга чин, ўшангача давраларда уй-жой ҳақида гап кетса, беихтиёр юрагимга қаттиқ оғриқ кирарди. Йўқ, бу зинҳор ҳасаддан эмас, азбаройи мен ҳам кенг уйда болаларим билан яйраб яшармиканман, аёлим ҳам кўпчилик сингари бемалол меҳмон кутиб меҳмон кузатармикан, болаларим синфдошларини уйга уялмай таклиф қилармикан, деган битмас ўкинчнинг зарбалари эди бу.

Дарҳақиқат, кейинги уч-тўрт йилда юртимизда шу қадар кўп уй-жой қурилдики, илгари буни тасаввур қилишнинг ўзи душвор эди. Биргина пойтахтимизнинг Сергели мавзесида қад ростлаган кўп қаватли турар-жойлар миқдори аввал ўн йиллар давомида бутун Ўзбекистон бўйлаб қурилган уйлардан бир неча баробар кўплигига шубҳа йўқ. Барча вилоят ва туманлар марказида барпо этилган кўп қаватли уйлар ўн минглаб юртдошларимизнинг ташвишини аритди. Одамдай яшаш бахтига мушарраф этди.

Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, ўтган йилнинг 9 ойида (эътибор қилинг – пандемия шароитида!) юртимизда 44,4 мингта хонадон ёки 8398,8 минг квадрат метр турар-жой қуриб фойдаланишга топширилган. Бу атиги 9 ойда 44 минг 400 та оила уйли бўлди, дегани. Бу, агар эр-хотин, уларнинг ота-онаси, бола-чақасини қўшиб ҳисобласанг, энг ками ярим миллион одам уйли-жойли бўлганини англатади. Намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган турар-жойларнинг 76,9 фоизи қишлоқларда қад ростлагани болажон халқимизнинг кўп йиллик армонлари рўёби акс этган рақамлар экани билан янада қадрлидир.

Агар уй-жой қурилиши борасидаги бундай бунёдкорликлар қаторига шунга монанд равишда қурилиш тармоғи ҳам ривожланиб борганини эътиборга олсак, биргина шу йўналишдаги ишлар кўлами ва унинг одамлар турмуш даражасига таъсирини тасаввур қилиш қийин эмас. Иқтисодчилар тили билан айтганда, яна минглаб юртдошимиз ишли бўлган, демакки, бола-чақасининг қайсидир орзуларини рўёбга чиқарган.

Бундай эзгу ишлар мустақиллик йилларида юртимиз аҳолиси йилига қарийб ярим миллионга кўпайиб борган бир шароитда қилингани унинг аҳамияти ва қадрини янада оширади. Статистик маълумотларга кўра, сўнгги 30 йилда Ўзбекистон аҳолиси 70 фоизга ошиб, 1991 йилги 20,5 миллион нафардан 2021 йил 1 апрель ҳолатига 34,7 миллион нафарга етган. Бошқача айтганда, шу йиллар давомида юртимизда аҳоли сони 14 миллиондан зиёдга кўпайган. Бу кейинги 20-30 йил давомида фаровонлик бўйича дунёда энг илғорлар қаторида зикр этиладиган Финляндия, Норвегия ва Дания каби ривожланган давлатлар аҳолисини қўшиб ҳисоблаган билан баробар.

УЛУҒВОР МАҚСАДЛАР БИЛАН ЯШАШ САОДАТИ

Инсоният тарихи шуни исботлайдики, фақат турмуш ташвишлари билан ўралашиб қолган одамнинг орзу-мақсадлари ҳам майда бўлади. Чунки бошқа нарсалар ҳақида ўйлашга, фикр юритишга хоҳиш ҳам, қувват ҳам бўлмайди. Улуғвор мақсадлар билан яшашни билмайди. Собиқ тузум даврида бизнинг дунёқарашимиз, турмуш тарзимиз, орзу-ниятларимиз, мақсадларимиз ҳам шунинг нари-берисида эди. Масалан, биз ёшлигимизда асосан деҳқон, ҳайдовчи, қурувчи, ҳисобчи, агроном, чорвадор, ўқитувчи, шифокор, юрист бўлишни орзу қилардик. Дунёда яна ўнлаб, юзлаб касблар борлигини ёки ўз қобилияти билан йирик компанияларга асос солиш, жаҳон миқёсида катта ютуқларга эришиш, спортчи ё олим сифатида дунёга довруқ таратиш мумкинлигини хаёлимизга ҳам келтирмаганмиз.

Сурхондарёнинг тоғли Сайроб қишлоғида, катта йўл бўйида минг йиллик чинор бор. У ҳақда кўпчилик билади. Эшитган, матбуотда ўқиган, телевизорда кўрган. Бу азим дарахт асрлар давомида одамларга офтобдан соя, ёмғирдан паноҳ бўлган. Унинг пойида ким китоб, ким қурол билан тин олган. Олимга ҳам, жаллодга ҳам бирдай пана бўлаверган у. Теварак-атрофнинг минг йиллик ҳавоси қандай бўлган, одамлар ўртасидаги меҳр-оқибат, севги, нафрат қандай ўзгариб борган – барини билади, лекин жим. Тил-забони йўқ.

Шўро даврида яшаган зиёли аҳлини ҳам негадир шу чинорга ўхшатгим келади. Улар ҳам жамиятга зиё тарқатган, илмни, маърифатни тарғиб қилган – фақат Марказ истаган нарсани Марказдан тасдиқланган мазмун ва шаклда. Ижтимоий адолатсизлик, тарихни ўрганиш, миллий тил борасидаги ноҳақликлар, камситиш кабилар ҳақида овоз чиқариб айтолмаган. Дарди ичида бўлган. Ваҳоланки, Ўзбекистон замини ҳеч қачон катта истеъдодларга муҳтож бўлмаган. Фақат шоир ёзганидек, “икки дарё оралиғида” қолишга маҳкум эди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ЯНГИ ОРЗУЛАР

Ўзбекистоннинг мустақилликдан олдинги ва кейинги ҳаётини бир-икки мисол воситасида таққослаб, шунга амин бўлиш мумкинки, аслида биз бошқаларга ҳавас қиладиган, ўзгалардан ибрат оладиган эмас, аксинча, бошқалар бизга ҳавас қиладиган, ибрат оладиган халқмиз. Бунинг исботини, айниқса, кейинги йилларда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар халқаро майдонда кенг эътирофга сазовор бўлаётгани, Ўзбекистон ташаббуслари юксак минбарларда қўллаб-қувватланаётгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Эришилган ана шундай ютуқ ва марралар замирида, аввало, заҳматкаш халқимизнинг фидокорона меҳнати, давлатимиз раҳбари бошчилигида мамлакатимизни тубдан ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг ҳар томонлама чуқур ўйланган дастури мужассам. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини ҳаётга жорий этиш асносида мамлакатимизнинг сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаётини тубдан янгилаш, “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” ғоясини реал воқеликка айлантириш борасида салмоқли ютуқлар қўлга киритилмоқда. “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, деган мутлақо янги тамойил асосида фуқароларнинг ижтимоий муаммоларини жойида ўрганиш, ҳал этиш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйича эришилаётган натижаларнинг ҳаётимиздаги амалий намоёни сифатида халқимизнинг кундалик ҳаётида, рўзғори ва дастурхонида, мухтасар айтганда, турмуш даражаси ва сифатининг изчил ўсиб боришида ўз ифодасини топмоқда.

Табиийки, бундай хайрли ишлар халқимизнинг орзу-ният ва мақсадларига қанот бераётир. Энди у буюк мақсадлар, эзгу орзулар билан яшаш қандай юксак марраларга элтишини яхши билади. “Эркин ва озод Ўзбекистонда фаровон яшайлик!” деган олижаноб шиор унинг дастуриламалига айланган.

Жума НАЗАР

ПОЙИНГ УЗРА БОШИМНИ ҚЎЯЙ, ЭЙ ДЎСТ

Жаҳон адабиётида қардош тожик шеъриятининг ўзига хос, беқиёс ўрни бор. Хусусан, тожик мумтоз назми мусиқийлиги, фалсафийлиги, сўзларнинг маъно товланиши билан ажралиб туради. Замонавий шеърият ҳам қадим анъаналарни изчил давом эттириш билан бирга, янги оҳанг ва услублар билан бойиб бормоқда. Шу боисдан ҳам бугунги тожик шоирлари ижоди янада сержило, дилтортар экани билан бизни мафтун этади.

Қуйида замонавий тожик шеъриятининг вакиллари ижодидан айрим намуналар эътиборингизга ҳавола этилмоқда. Зеро, қондош, жондош, бир дарахтнинг икки шохи бўлган ўзбек ва тожик халқлари шеъриятининг муштараклиги, дилбар ва нафислиги ушбу асарларда яққол кўринади.

Таржимон

Зулфия АТОИЙ

БИҲИШТИМНИ ҚАЁН ЭЛТДИНГ?

**Аё, эй мард, эй султон, биҳиштимни қаён элтдинг?
Аё оташ, аё тўфон, биҳиштимни қаён элтдинг?**

**Талх шаробни келтирдинг, Балх гулобин келтирдинг,
Аё, ҳушёрлар сармасти, биҳиштимни қаён элтдинг?**

**Булоқ боши, дарё лаби, элт дунё ғуссасин каби,
Туни зебою хушёмғир биҳиштимни қаён элтдинг?**

**Жаннатим жон-дилда эрди, жаннат – жону жонон эрди,
Олибон жону дил, эй жон, биҳиштимни қаён элтдинг?**

**Пурнуру баргафшон гули, бўлиб барги жоним тили,
Қайда дил? Қилдинг-а пинҳон!
Биҳиштимни қаён элтдинг?**

**Не кўздир? — Пораи гардун! Нигоҳи соддаю маҳзун,
Балоафкан, балогардон, биҳиштимни қаён элтдинг?**

**Арзон олма нодон дилим, бахшида дил, шошма гулим,
Қайда иззатли меҳмоним? Биҳиштимни қаён элтдинг?**

**Аё, эй шоҳ, тожинг қани? Харидорсан? Хирожинг қани?
Аё, Сомоний яқини, биҳиштимни қаён элтдинг?**

**Узоқлардан садо келур, нурли ёғду, сафо келур,
Эзгин бу дил нидо қилур, биҳиштимни қаён элтдинг?**

**Аё мавло, аё султон, сафаринг — мулки сангистон,
Ғазал лабда, ғазал жонда, биҳиштимни қаён элтдинг?**

**Дарвоз гулини истарам ва яна парвоз истарам,
Аё, парқанот лочиним, биҳиштимни қаён элтдинг?**

ЛАЙЛОЛАРНИНГ ЛАЙЛОСИМАН

**Дил бенаводир, бенаво, мусиқаю мизроб қайда?
Тун бесафодир, бесафо, қамар қайда, моҳтоб қайда?**

**Лайлоларнинг Лайлосиман, саҳронинг бир лоласиман,
Мавжлар қули, ноласиман, шодон соҳил, гул-об қайда?**

**Дилни топширдим бехабар ўткинчи ёрга — дарбадар,
Воҳ, жонга ўт кетди бадар, Сурхоб қайда, Хингоб қайда?**

**Дил дардидан тобим қочди, кўз-дийдамдан хобим қочди,
Эй уйқусиз шомим, дегил, у тоб қайда, у хоб қайда?**

**Бағрим — дил китобимми ё, борим ғазал кони гўё,
Энди ғазалпарвар қани? У ёр қайда — аҳбоб қайда?**

**Кўнгил қафасин синдирай, муҳаббат торин кўндирай,
Ўзни дарёга кўмдирай, ул даррагул Варзоб қайда?**

**Девона-ҳушёрим менинг, гоҳ зор, гоҳ безорим менинг,
Билгувчи асрорим менинг — ул гавҳари ноёб қайда?**

**Бок, таъмаю озордаман, ҳасратим ул — парвоздаман,
Торману на овоздаман, мусиқаю мизроб қайда?**

Рустам ВАҲҲОБ

КЎЗЁШ ТАСБЕҲИ

**Ҳар субҳу шом Ватан томон қиламан сажда,
Минг бир кўҳна захм дилда, қиламан сажда.**

**Кўзёш тасбеҳи бор хаста мужгонларимда,
Кафан узра, жоним лабда, қиламан сажда.**

**Юзим қиблада, ватаним қибла томондир,
Гўзал важҳ-ла ватан — санамга қиламан сажда.**

**Гарчи булбул навосидан бўлдим бенаво,
Сабо ҳудҳудидек чаманга қиламан сажда.**

**Поксўз шамдек, ҳар тундан токи тонггача,
Борлиғим-ла, танҳо, ўзига қиламан сажда.**

**Ватан бўйи анқиса гар биргина сўздан,
Қалам янглиғ пойи сўзига қиламан сажда.**

ЭЙ ДЎСТ

**Нисбат айлама у ё бу ҳолим, эй дўст,
Қай ҳолдалигим билгувчи ўзим, эй дўст.**

**Киши ул ҳолу бул ҳолдир, гар билсанг,
Мен бул ҳолдаману дилим ул ҳол, эй дўст.**

**Магар кўп қўрққандим душман жонидан,
Бул жон душманиданмас, қол, эй дўст.**

**Жаҳонда қолмади бир сирли ўрмон,
Мужгоним чангалидан пинҳон, эй дўст.**

**Бор, шодликларинг шодхорларга қоқ,
Ғамингни, кел, менга тўк — у бол, эй дўст.**

**Мен ул тошман, ки кўксида ёқути бор,
Ҳой, берма қўлдан уни арзон, эй дўст.**

**Бу беш кунлигимда бек бўлсин наврўз,
Сени гул тахтига ўтқазай ул он, эй дўст.**

**Келгил энди шовқинларсиз, суронсиз,
Бўй-бастингга ғазаллар сочай, эй дўст.**

**Миннатли ўзга қабосин тандан от,
Сени жоним сози-ла ўрай, эй дўст.**

**Макру душман кулоҳин бошдан иткит,
Пойинг узра бошимни қўяй, эй дўст.**

Бозор СОБИР



ЁҒАДИ ЁМҒИР...

**Ёғади ёмғир, эй худо, ёғади ёмғир,
Ёш наслданман, эй худо, ўқ ёмғири оғир.
Дил боғим заъфар, эй худо, дил доғим қизил,
Дил лолазордир, эй худо, дил лолазордир.
Душманим йўқ, эй худо, душманим йўқдир,
Бизлар биродар, эй худо, ёқамизда қон.
Ёнаман тафтдан, эй худо, ёнаман тафтдан,
Табхона лабда, эй худо, табхонада жон.
Йиғламасин танҳо, эй худо, йиғламасин ёлғиз,
Мен-ла ёш тўксин, эй худо, бу йилги ёмғир.
Бу сут ёмғири, эй худо, раҳмат ёмғири,
Бу қон ёмғири, эй худо, ўқлар ёмғири.**

ФАРИШТА

**Фаришта, эй фаришта, эй фаришта,
Дилим кўксимни туйди икки мушта.
Ишқинг юрагим айлади бесаришта,
Саришта қўлдан кетди гўё ришта.**

**Фаришта, эй фаришта, эй фаришта,
Мени кўмдинг қошингга тикиб кашта.
Ҳамма дўппи четига тикса кашта,
Мени ўлдирди сендаги қоши кашта.**

**Фаришта, эй фаришта, эй фаришта,
Сочингни ҳар торида бир фаришта.
Онанг сутидан оқдир икки руҳсор,
Ки кўрмагандир умри жонинг озор.**

**Фаришта, эй фаришта, эй фаришта,
Ҳар мақомингдан бўлдим ришта-ришта.
Бўлмади чашминг гўшасида юриб,
Бўлмади зулфинг соясида ўлтириб.**

**Фаришта, эй фаришта, эй фаришта,
Қошингдек байт ёзолмадим ё битта.
Қасам ичдим дафтар тўла шеър тилаб,
Қасам ичдим битилмаган шеър ила.**

Тожик тилидан Гулчеҳра МУРОДАЛИЕВА таржималари.

БОЛАКАЙ ВА КЕЛИНЧАК

ҲИКОЯ

Муҳаммад ШОДИЙ



Сўх дарёси мен туғилиб ўсган воҳани қоқ иккига бўлиб оқади. Дарё узра бир нечта замонавий ва мустаҳкам кўприклар устувор. Болалик чоғларимда бир қирғоқдан иккинчи қирғоққа ўтиш муаммоси, икки томонда яшаётган одамларнинг бир-биридан хабар олиши, кўприк масаласи боис, ниҳоят мушкул эди.

Менинг онам дарёнинг у томонидаги Миробод қишлоғида туғилган, болалиги ўша ерда ўтган, эшитишимча, ўн олти ёшида бу соҳилдаги Янгиариқ маҳалласига келин бўлиб тушган.

Тўрт-беш ёшли бола пайтимда онажоним "қизлик қишлоғи"га бориб, ўз яқинларидан хабар олиб келиш ҳаракатига тушиб қолди. Мени ҳам олиб бормоқчи бўлди. Қувончимнинг чеки йўқ. Отамни эса, дарёдан қандай ўтиш ташвишлантиряпти. Ёғоч кўприкни сел олиб кетган. Сим кўприк ҳам бор, аммо қишлоғимиздан анча узоқда – Лазар тоғи этагидаги Паррак мавзесида. Устига чиқсангиз тебраниб туради. Ундан ўтишга ҳамма ҳам журъат қилавермайди. Бошқа иложи йўқлиги боис дадам мен билан онамни мотоциклга миндириб, Парракка олиб борди.

Дарёдан юрак ҳовучлаб ўтволдик. Улов кутяпмиз. Автобус қаерда у пайтлар. Юк машинаси кўринди. "Ҳошимжон-ку!" деди дадам, кўзлари чақнаб. Машина ёнимизга келиб тўхтади. Кабинадан тушиб, дадам билан қучоқлашиб кўришган ҳайдовчи узоқ қариндошимиз экан. Пешонамдан ўпиб қўйди. Қўли кўксида, аямдан ҳол-аҳвол сўради. Нега бу ердалигимизни билгач, дадамга деди:

— Она-бола кетишади, дегин. Яхши. Ўзим элтиб қўяман.

Кабинага жойлашдик. Бир ярим соатларда Мирободга етиб бордик. "Шу ерда тушамиз" деди аям, машина кўримсизгина озиқ-овқат дўкони ёнига яқинлашгач. Тушишимиз билан:

— Рисолат-ку?! — қичқирди кимдир.

Ҳаял ўтмай атрофимизни қуршаб олишди. Бир қўшнимиз аскарликдан қайтганида, қўни-қўшни, қавм-қариндошлар у билан қандай ҳаяжонланиб кўришганлари эсимга тушди. Аскар-ку, узоқ бир ўлкадан икки йилда қайтади, онажоним шундоққина нариги соҳилдан келяпти-я, ё тавба. Шунчалик яхши кўришадими уни? Шундай соғинишганми бир-бирларини?

— Ҳаммаси қариндошларми? — оҳиста сўрайман. Аям кулиб қўйиб:

— Ҳаммалариммас, лекин бу ерда одамлар бир-бирига меҳрибон, — дейди.

Ҳа, билиниб турибди. Ҳали гўдакману бу ерда меҳр-оқибат қанчалик кучлилигини ҳис этяпман.

Чеҳраси очиқ, қўли очиқ, қалби очиқ инсонлар меҳри иҳотасидамиз. Нон танқис, одамлар зўрға рўзғор тебратаётгани сезиляпти. Лекин меҳр...

Гўё биз осмондан тушгандек кафтларига кўтаришди. Талашиб уйларига олиб боришади. "Бизникига қачон?" дея навбатда турганлар талай. Биров онажоним оёқлари остида қўй сўяди. Кимдир бозорга югурди. Хижолат бўлган онам: "Ҳой, нима қиляпсизлар? Шу керакми? Меҳмонмидим?" дейди.

Жавобига хандон отиб кулишади уй эгалари: "Меҳмон бўлмай кимсан, Рисолат? Юз йил деганда бир келдинг-ку?!"

Бир қариндошимиз келин туширган экан. Бордик. "Зап кепсиз-да, опажоним!" — келинчак қучоқлаб олди аямни. Қўйворгиси йўқ: "Опажоним-эй!"

Келинчак елиб югуряпти. Дастурхонга ул-бул келтиради. "Қани, олинглар, оптуринглар!" дейишдан чарчамайди. Унга юзланиб: "Бўлди. Дастурхонда жой қолмади. Ўтиринг энди!" дейди аям. "Овқат пишай деб қолди, сузиб келай, кейин ўтираман", дейди келинчак ва ёнимга келиб, эгилиб, икки юзимдан ўпаркан, "Ўзимнинг укажоним!" дея ташқарига шошилади.

— Болани яхши кўради, — дейди қайнонаси.

— Фақат боланимас, — кулимсиради аям. — Ҳаммага меҳрибонлиги кўриниб турибди. Бундай келинни қандай топдингиз?

— Сўраманг, Рисолатжон. Худо берди. Барножонни Худо етказди!

Чойни янгилаб келган келинчак қулоғимга:

— Зерикмадингизми, Муҳиддинжон? — деб пичирлайди. — Шўрвангизни ичволинг, кейин ташқари чиқамиз. Ўйнаймиз. Хўпми?

Қайнонаси:

— Нималар деяпсан, Барно? — деди норозинамо. — Ўйин вақтими? Қозонингга қара, ҳозир келишади оп-кетгани. Ҳар дақиқаси саноқли Рисолатжоннинг!

— Хавотирланманг, аяжон, ошни дамладим.

Ошни едик. Туришимиз керак. Келинчак чўнтакларимни конфетга тўлдирди. Юзидан кўз узолмайман. Юрагимда ажиб бир туйғу. Бунча гўзал бўлмаса...

— Яна келинг, а? — кўзларимга қарайди.

— Хўп, — дейман. — Сиз ҳам боринг.

Ширин жилмайиб, бошимни ўзига тортаркан:

— Ақллигим! — дея эркалайди.

Ҳамма келинчак шундайми? Шундай хушрўй ва хушбўйми?..

Дунёдаги энг гўзал нарсага дуч келгандайман. Меҳрибон ва ширинсўз хилқатга. Энг латофатли келинчакка! Ва маст қилгувчи тотли бир ҳидга...

Кетгимиз йўқ. Лекин илож қанча. "Навбатда турган"лар кўп, меҳмондорчилик кутяпти она-болани. Чиқиб кетяпмиз, аям билан. Ортимизга қараб-қараб. Қўл силкитади Барно келинойим.

Мурғак қалбининг бир бўлагини шу ерда қолдириб, болакай кетяпти. Фикр-хаёлини шу ерда қолдириб. Бир умрга татигулик ширин хотираларни оғушлаб бола кетяпти ширин ҳислардан энтикиб, Барно келинойиси эса ортидан меҳр билан қараяпти...

Вояга етдим. Ўқиш. Аскарлик. Мусофират ва муҳожират. Ўттиз йилдан бери пойтахтда яшайман. Пенсия ёши ҳам яқинлашиб қолган.

Ёш кетган, онамни эсласам, у туғилиб ўсган Миробод кўз олдимда жонланар, Мирободмас, Меҳробод дегим келар, соғинч, онажоним ёди қалбимни эзарди. Меҳробод, муҳаббатобод! Аммо онам вафот этгач, ришталар бирданига узилмадику, бироқ йиллар ўтган сайин бегоналашиб кетавердик. Барно келинойимнинг соғ-саломатлигини эшитардим. Бироқ...

Қишлоққа келганимда "Барно келинойингизнинг ўғли... ўтибди", деди синглим. Тошдай қотдим. "Э, нега... ўлади? Касалмиди?"

Иш билан келганман. Вақт тиғиз. Лекин бормасам бўлмайди. Бечора келинойим. Биттагина ўғли бор эди-я. Биттагина! Бир неча йил олдин Барно опамнинг эри – Ҳамиджон тоғам (у ердаги барча узоқ-яқин қариндошлар "тоғаю хола"ларим эди) вафот этганди. Сўхда эдим. Бир ўртоғимнинг машинаси билан жанозага бордик. Тумонат одам. Барно келинойим билан кўришиш насиб қилмаган эди. Шеригим шошиб турганди.

Энди бориб ўзини кўрмасам, бир оз ёнида ўтирмасам бўлмайди. Келинлик чоғида бизни қандай кутиб олганди-я. Қандай чиройли эди... Кўп йиллар ўтди. Ўзгаргани аниқ. Ўзим-чи, ўзим? Муборак лаҳзалар қайда қолди? Онажоним қани? Афсоналар тугадими, а?

Миробод "маркази"да таксидан тушдим. Онамнинг беғубор дамларига гувоҳ қадрдон гўшалар. Аяжоним қишлоғи! Эллик тўрт йил тўлибди она-боланинг бу ерга келганига.

Мирободнинг ўша пайтдаги ҳолати кўз ўнгимдан ўтди. Чанг кўчалар, лой ва кесакдан кўтарилган деворлар, хароба кулбалар... Улар ўрнини кўп қаватли уйлар, кенг ва равон кўчалар эгаллабди. Кўз қувнайди, бироқ одамларга нима бўлган? Ҳамма қаергадир шошади. Саломингга биров алик олса, биров ўзини эшитмаганга солади.

Аямга айтгим келади дардимни. Бу не ҳол, она?

Яна... сен нимадан норозисан, дейман ўзимга ўзим. Аянгнинг раҳматли бўлганига ярим асрдан ошди. Ҳозир у кимнинг эсида? Янги Миробод, янги одамлар. Ҳушингни йиғгин-да, Барно келинойинг уйини қидир.

Уйи қаерда эди? Эрининг жанозасига бировнинг машинасида борганман. Эсимда йўқ. Сўрайми анув йигитдан.

"Тўғрига юринг, чорраҳа чиқади, чапга буриласиз, икки юз метрча юрсангиз, тор кўча. Йўлнинг ўнг томонида".

Йигитга раҳмат деб, у кўрсатган томонга йўл олдим. Ана, йўлнинг ўнг тарафидаги тор кўча. Хилватгина гўша экан. Барно келинойимнинг уйини сўрамоқчиман, ҳеч ким кўринмайди. Рўпарадаги эшикни тақиллатдим. Эшикни ўрта ёшли эркак тарақлатиб очиб:

— Секинроқ-да, — деди миннат билан. — Тепвордингизми? Маданият борми ўзи? Кўрмаяпсизми қўнғироқни. Тугмачани боссангиз бўлмайдими? Э-э!..

— Кечиринг.

— Ҳай, нима керак?

Чақмоқ урди мени. Қалтираб кетдим.

— Мен... мен... Барно келинойимнинг... уйини сўрамоқчийдим.

— Кимнинг уйини?

— Барно келинойим...

Уй эгаси хўмрайганча бир нима деб минғирлади-да, эшикни ёпди. Юзимга бамисоли тарсаки тушди.

Дарвозадан узоқлашарканман, юрагим безовта ураётганини ҳис этдим. Ўзимдан ҳам ўтди-да. Қаттиқроқ тақиллатдим чоғи. Қўнғироқ тугмачасига қарамабман. Яхши қилди таъзиримни бериб. Лекин...

Бошим айланяпти. Симёғочга суяниб ўтирволдим. Худойим, менга нима бўляпти?

Эллик тўрт йил олдинги хуш ва унутилмас дамлар хаёлимда жонланди... Эҳ, онажон. "Азизлар азизи" эмасмидик, аяжоним?!

Ўзимни қўлга олишим керак. Бу ерда ўтиришдан наф йўқ. Кеч бўляпти. Қачон қайтаман? Лекин азахонани қандай топай? Сўрай десам, кўчада бир зоғ йўқ.

Юрак безовта қиляпти. Кўз олдим — қоронғи. Бир маҳал:

— Укажон, тузукмисиз? — деган овозни эшитиб, кўзларимни катта очдим. Юзини ажин босган, сочлари қордай оқ, қора либос кийволган нимжонгина кампирга хижолатнамо боқиб:

— Холажон, тузукман, — дея ўрнимдан турдим. Турдим-у, гандираклаб кетишимга сал қолди. Зўрға ўзимни тутволдим.

— Мусофирмисиз? — сўради.

— Ҳа.

— Ҳув темир эшикни кўряпсизми? Меники. Юринг, нафас ростланг. Мазангиз қочганга ўхшайди.

— Узр, вақт йўқ. Қайтишим керак. Янгиариқдан келдим. Фотиҳага.

— Фотиҳага? Кимникига?

Мен онам кимлигию Барно келинойимнинг бир ойча олдин қазо қилган ўғлига фотиҳа ўқигани келганимни, лекин уйини тополмай сарсон юрганимни айтган эдим, титроқ қўли билан кўзойнагини олиб, кампир менга бошдан-оёқ разм солди:

— Кимнинг ўғлиман дедингиз?

— Рисолат опанинг. Мироботдан Янгиариққа тушган Рисолат Собир қизининг ўғлиман, холажон. Онамнинг раҳматли бўп кетганига ҳам, э-ҳа...

Кампирнинг кўзлари ялтиради, қўлидаги ҳасса тушиб кетди:

— Вой, Рисолат опанинг ўғлимисиз?

— Ҳа. Танирмидингиз онамни? — бирдан мижжаларим намланганини ҳис этдим.

— Бир марта кўрганман.

— Шундай денг. Бир марта кўргансиз бор-йўғи. Бир замонлар! Лекин номи ҳануз эсингизда. Қойил! Аямни биладиганлар ҳалиям бор экан Мирободда, Худога шукур-э! — бошқача кўриниб кетди кампир кўзларимга. Йўқолган азиз нарсамни топгандай бўлдим.

— Мен икки марта бўлганман бу ерда, — давом этдим мен. — Ҳамиджон тоғамнинг таъзияларида ва... болалигимда. Аяжоним билан келгандим. Барно келинойим меҳмон қилгандилар. Энди... тополмаяпман уйларини. Шу атрофдами?

— Муҳиддинжон, уйга кирамиз.

— Раҳмат, хола, аммо айтдиму вақт йўқ, деб. Шаҳарга қайтишим керак.

— Биламан. Тошкентдамисиз ҳалиям?

— Тошкентда туришимниям биласизми? Айтмоқчи, Муҳиддинжон дедингизми? — ҳаяжонландим. — Исмимни айтмадим, шекилли. Ё айтдимми?

— Айтмадингиз. Лекин Муҳиддинжон эди-да Рисолат опамнинг кичгинагина ҳамроҳи. Она-бола келувдилар.

— Барно келинойим айтганми? Келинчак эдилар у пайтлар. Бирам чиройли!.. Бошларига мусибат тушибди. Хафа бўлдим. Ўзлари яхшими? — сўрадим кўзларимни ердан олмай.

— Яхшиман, укажоним, — деди кампир маъюсгина.

— Яхшиман?.. — ялт этиб қарадим.

— Сиз мени танимадингиз, — у мийиғида кулди. — Танимадингиз кампирни.

— Ни-ма? — кўзларим катта очилиб кетди.

— Бу кампир ўша... келинчак, укам. Мотамзада кампир!

Шундай деб у мени бағрига босди. Қаттиқ ҳаяжон оғушидаман. У нима деди? Ўша... келинчакман дедими? Худойим, бу кампир ўша... Барно келинойимми? Наҳот?..

— Нималар деб алжираяпти бу... бедаво деб ҳайрон қолдингизми? — унинг овози титраб чиқар, ўксик кўзлари пир-пир учарди. — Барно келинойи... бошқачамиди?

Нимадир қалбимда жўш уриб, фарзанд онаизорини қучгандай, Барно келинойимни самимий қучоқлайман.

— Сизни танимаган бўлса, бу... бемеҳр укангизнинг айби, — дейман кўз ёшларимни ютиб. — Хабар олгани келмади. Бир марта сўроқламади, беоқибат!

— Ундай деманг.

— Лекин яхши кўрардим. Аҳволингизни сизни биладиганлардан сўрардим. Соғинардим.

— Хурсанд қилдингиз кампирни.

— Кампир деманг. Ҳалиям дунёдаги энг гўзал ва тароватли гулсиз, келинойижоним.

— Қўйинг. Кулгимни қистатманг.

— Тасаввуримдаги атиргул.

— Атир...гул?

— Хушрўй ва хушбўй!

Болаликка қайтганман гўё. Болалик баҳорига. Ана, менинг меҳрибон онажоним.

Келинойижоним. Ва... баҳорнинг нафис чечакларига бурканган, меҳр ва оқибатга тўлган Миробод. Миробод эмас, Меҳробод. Меҳробод. Меҳробод!

— Биласизми, нимани ҳис этяпман мен ҳозир, кимни кўряпман? Онажонимни. Онажоним тафтини. Ниманинг ҳиди бу? Онажоним ҳиди!

У мени қўйиб юборади. Кўзларимга қарайди-да:

— Ростданми? — дейди кўз ёшларимни эҳтиётлик билан артиб.

— Ҳа, келинойижон. Бараллa кўряпман... онажонимни!

У мени қайта бағрига босаркан, оғир хўрсинади. Нимжонгина вужуднинг қалтираётганини ҳис этяпман. Йиғлайди.

— Сиздан эса, ўғлимнинг... жигарбандимнинг ҳиди келади, болажоним. Болажони-и-м!

ТЕРАН ТОМИРЛАР

РАҲИМ ЖАЛИЛ ХОНАДОНИДА

Тожикистоннинг атоқли романнавис ёзувчиси Раҳим Жалил дадам — Ғафур Ғуломнинг қадрдон дўстларидан бири эди. Ҳар гал дадам водийга, Қўқон ё Наманганга, мақола ёзиш учунми ёки дўстлари билан дийдорлашгани кетаётганларида, албатта, "Йўғонтепа"да тўхтаб, таниқли колхоз раиси Абдулла Ортиқов билан кўришмасдан, салқин чойхонасида у билан отамлашмасдан ўтиб кетмас эди.

Дадам бу гал Абдулла акани кўргани бораётганларини хабар қилмай, ўзлари чойхонада ош қилиб, мезбон бўлиб, у кишини ҳайрон қолдирмоқчи бўлган экан. Ҳайдовчиси Мустафо билан азонда Эски Жўва бозорига тушганларида ошнинг харажатини қилган экан.

Дадам чойхона қозонига ошнинг зирвагини қилиб, гуруч ювдириб Абдулла акага хабар қилди:

— Ошнинг гуручини солаверайми?

Абдулла ака хижолатли оҳангда:

— Мени уялтирдингиз, битта бўрдоқини оёғингиз остига сўярдим-ку, — деди.

Дадам дамлаган ош ғоят мазали бўлди. Албатта, аскиялари билан. Абдулла ака ва дадам бу учрашувдан мамнун бўлишиб, хайрлашишди. Дадам билан мен Хўжанд йўлида давом этдик.

Янгийўлдан Хўжанд унча узоқ эмас эди. Мен йўлда машинада ухлаб қолибман. Бир пайт уйғонсам, дадам машинадан тушаётган экан. Хўжанднинг икки қаватли бозори ёнида эканмиз.

Мен дадамга эргашдим, бозор гавжум. Дадам озиқ-овқат маҳсулотлари дўкони томон бурилиб, гўштга харидор бўлди. Сотувчи билан тожикча сўрашиб, осиғлиқ турган қўй сонини кўрсатиб савдолашди. Қассоб кула-кула, хўп дегандек қўлини кўксига қўйиб, сўйилган қўйнинг орқа томонини кўтариб чиқди.

Гўшт дадамга ёқди, шекилли, нимадир деб аския қилди. Атрофда турган сотувчию олувчилар "гурра" кулиб юборишди. Дадам мамнун эди. Қассоб гўштнинг ўртасидан иккига бўлиб, чиройли қилиб ўраб берди.

Гуруч сотувчи аёл билан ҳам дадам тез тил топишди. Аёл "Хоразмданман", деди ўз шевасида. Дадам ҳам унга хоразм шевасида гапирди. Аёл хурсанд бўлиб:

— Ҳовва, сиза дим тозасидан бараман, — деб иккита қоғоз халтага гуруч солиб берди.

Сўнгра дадам болаларга ширинлик, қизларга тақинчоқ, аёлларга ёшига қараб бир жўрадан атлас, ўғил болаларга қўл фонари, тўппончалар олди.

— Ҳеч кимни эсдан чиқармадикми, – деб мендан сўраб ҳам қўйди.

Дадам дўсту қадрдонларига совға қилишдан чарчамас эди. Менга қолса, совға олган одамдан кўра совға қилган кўпроқ хурсанд бўлса керак. Дадамнинг ҳеч эринмай совға танлаганларини кўриб шу хулосага келдим. Қайтиб машинага ўтириб, ташқаридаги ойнадан дадамга қарасам хурсанд эди.

— Энди Раҳим Жалилникига ўтсак бўлади, — деди мамнун овозда дадам.

Шу ўринда атоқли тожик адиби Раҳим Жалил ҳақида қисқача сўз. Тожикистон халқ ёзувчиси Раҳим Жалил 1909 йили Хўжандда косиб оиласида туғилган. Эски мактаб ва шўро мактабида бошланғич таълимни олгач, техникумда ўқийди. Вилоят газеталарида ишлаган вақтлар ўз ижодини бошлайди. 1934 йилда Тожикистон Ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлади. 30-йиллар охирида "Орзу" ҳикоялар тўплами нашр қилинади. Иккинчи жаҳон уруши йилларида ёзган ҳикоялари "Уруш йиллар ҳикоялари" номи билан 1944 йили чоп этилган.

Раҳим Жалил 1949 йили "Пўлат ва Гулрў" романини ёзиб тугатади. Бу асар ёзувчига катта обрў келтиради, қардош тилларга таржима қилиниб, Ўзбекистон, Озарбайжон, Қозоғистон ва Москвада, ҳатто чет элларда нашр қилинади. Кейинчалик унинг "Баҳор" ва "Илҳом" номли китоблари дунё юзини кўрди.

Адибнинг узоқ йиллик меҳнати самараси ўлароқ, 1970 йилда "Шўроб" трилогияси эълон қилинди. Ушбу йирик асар Рўдакий номидаги Тожикистон давлат мукофотига сазовор бўлди. Фаолияти давомида Раҳим Жалилнинг кўплаб ҳикоя ва драмалари экранлаштирилди. Жумладан, саҳна асарларидан "Менинг докторим", "Санобар", "Икки учрашув", "Шоир қалби" асарлари Хўжанд ва Душанбе шаҳарлари театрларида қўйилди.

Раҳим Жалил рафиқаси — Тожикистонда хизмат кўрсатган артист Розияхоним Асланова билан ўн бир фарзандни тарбиялаб вояга етказишди. Ўғиллари Манзур академик, Шариф фан доктори, Камол таниқли матбаачи, қизларидан Фотима шифокор, хуллас, фарзандларнинг ҳаммаси зиёли, маърифатли инсонлар.

Биз етиб борганимизда уйларининг эшиги очиқ экан. Дадам мошинадан тушар-тушмас:

— Ҳў... ким бор, деб овоз беришлари билан болаларнинг хурсанд чуввоси ҳаммаёқни тутиб кетди. Ҳовлидан ўғил ва қиз болалар чиқиб, "Ғафур амакимиз келди!" дея дадам ва мен билан тожикчалаб, ўзбекчалаб кўришиб-сўрашиб кетишди. Розия опа ва Раҳим амаки бизга пешвоз чиқиб, дадам билан қадрдонларча кўришишди.

Мен дарров ўртоқларимни топиб олдим. Қизлар гулзор ёнидаги сўрига жой қила бошлашди, мен ҳам уларга кўмаклашдим. Бирпасда ўртага хонтахта қўйилиб, дастурхон тайёр бўлди. Дадам менга имо қилди, олинган совғаларни олиб дадамга узатдим. Дадам ҳаммаларига совғаларни берди. Қизлар дарров тақинчоқларни тақиб кўришди. Дадам ва Раҳим амакимга халал бермаслик учун биз қизлар хонасига кириб, ярим тожикча, ярим ўзбекча гапиришиб ўтирдик.

Розия опа овқатга ҳаракат қилмоқчи бўлган эди, дадам:

— Овора бўлманглар, биз кеч тушмай Қўқонга етиб олишимиз керак, "Йўғонтепа"да ош еганмиз, чой ичдик. Қайтишда кираман, ўшанда Розияхоннинг қўлларидан ош еб кетаман, — деди-да, ўрнидан турди.

Шундан кейин ҳаётимда айрим ўзгаришлар бўлиб, Қўқонга ҳам, Хўжандга ҳам бир-икки йил бора олмадим. Мен бетоб бўлиб касалхонада ётганимда дадам Раҳим Жалилдан хат олибди, хат тожик тилида эди. Мен уни ўзбекчага таржимасини келтираман:

"Муҳтарам Ғафур Ғулом!

Бугун Тошкенти шарифнинг ёнидан Розия билан ўта туриб, қулоғимга радио овози чалинди. Сизнинг овозингизни эшитсам, пахтакор ва чорвадорларга насиҳат қилаётган экансиз. Шу сабабли ўша ердан ўта туриб, сизга хабар бермасликни ўзимга маъқул билмадим. Муҳаррамхонга мен ва Розиядан, барча аҳли оилангизга ҳаммамиздан эҳтиром билан салом.

Раҳим Жалил. 24/II 62".

Мен 1962 йил декабрида Москвада даволаниб келганимда Раҳим Жалил қизлари ва рафиқалари Розияхоним билан кўргани келишган эди. Ундан сўнг тоғам оила аъзоларимизни Кўқонга меҳмонга чақирганларида йўлда Раҳим Жалил хонадонида ҳам меҳмон бўлгандик. 1963 йилда биринчи фарзандим туғилганда ҳам Раҳим амаки рафиқалари билан табриклаб кетишган эди. Дадам вафот қилганида Раҳим амаки тожикистонлик ёзувчилар билан келиб, таъзия билдириб кетган эди.

Чорак аср Тожикистон билан йўлларимиз беркилиб, дўстларимизни кўролмадик. Мана, Президентимиз саъй-ҳаракатлари туфайли азалий алоқаларимиз тикланиб, қадрдон-қариндошларимизни бемалол кўрадиган бўлдик. Афсус, Раҳим амаки ҳам, дадам, аягинам, Розияхоним ҳам энди йўқ...

Лекин биз фарзандлар ота-оналаримиз дўстлигини давом эттираяпмиз.

ОЛМОС

Ўткир Ҳошимов таваллудининг 80 йиллиги

Бадиий ижод жараёнидаги тажрибалар шуни кўрсатадики, ҳар бир ёзувчига халқ оғзаки ижодидаги ривоятлар, мумтоз адабиёт анъаналари ёзилажак асарларининг сюжетини яратишда ёрдам бериб келган.

АСОТИРЛАРДАН ИЛҲОМЛАНИБ

XX аср ўзбек насри дарғаларидан бири Ўткир Ҳошимовнинг "Баҳор қайтмайди" қиссасида келтирилган туш таъбири ҳамда Анвар ва Муқаддамнинг муносабатлари орқали берилган Қонқус ариғи ҳақидаги ривоятда қисса сюжети юзага келади.

Қиссанинг дастлабки саҳифаларидан маълум бўлишича, Алимардон билан Анвар ёшликдан дўст бўлиб ўсишган. Улар ҳар қандай шароитда ҳам бир-бирларини суяшга ҳаракат қилишган. Бундай оқибат кўпроқ Анварга хос. Алимардон касал ётган пайтда Анвар парвона бўлади, ҳатто севган қизи Муқаддамни дўстини даволашга кўндиради. Анвар Муқаддамни кузатиб қўяр экан, уни катта анҳор устига қўйилган яккачўпдан олиб ўтади. Муқаддам анҳорни нега Қонқус деб аташганини сўрайди. Анвар қизга қуйидагича жавоб беради:

"Иккала дўст битта қизни яхши кўришар экан. Иккинчи йигит дўстидан қандай бўлмасин қасос олишга, қизни қўлга киритишга қасам ичган экан. Душман шаҳарни ўраб олиши билан ўша йигит хоинлик қилибди. "Агар сен рақибимни ўлдириб, севгилимни менга топширишга ваъда берсанг, йўлни кўрсатаман", дебди. Саркарда рози бўлибди. Душманлар кечувдан ўтиб, шаҳарни босиб олишибди. Қизнинг севгилиси урушда ўлибди. Саркарда хоинни чақириб, май тутибди. "Хизматинг учун ҳақингни ол", дебди. Хоин май ичиб, охирги тилагини айтибди: "Мен сенинг буйруғингни бажардим. Энди сен ҳам менинг шартимни бажар. Одамларингга айт, севгилимни олиб келишсин". Саркарда кулиб юборибди. "Севгилингни кўриш сенга насиб қилмайди, ҳозир ичганинг май эмас, заҳар! Ўз дўстига хиёнат қилган одам менга дўст бўлолмайди. Сен қон қусиб ўласан!", дебди. Хоин чиндан ҳам қон қусиб ўлибди".

Қисса сюжети, юқорида айтганимиздек, шу ривоятнинг ғоявий негизидан ўсиб чиқади. Ривоятдаги икки дўст тақдирига қиссадаги Анвар ва Алимардон тақдири пайвандланади. Сюжет тўқимасида Муқаддам восита ролини ўйнайди.

Ёзувчи Алимардоннинг касал ҳолатини тасвирлар экан, унинг характеридаги шахсиятпарастлик кўринишларига ишора қилади. У дўсти Анварни озроқ кечикканы учун "номард" деб ғижинади. Ҳатто Анварнинг ўқишни бирга тугатиб, олдинроқ иш бошлагани ҳам Алимардонда қандайдир адоват туйғусини уйғотади. Ёзувчи асар тугунидан олдиноқ Алимардон характерида дўстига нисбатан хиёнат қилиш майллари ёшликдан борлигига китобхонни ишонтира боради.

Алимардонни Муқаддам даволай бошлаши билан ривоятнинг ғоявий йўналишидан келиб чиқувчи воқеа тугуни содир бўлади. Муқаддамни Алимардон ҳам севиб қолади. Муаллиф Анвардаги бўшангликни, Алимардондаги қувликни таъкидлаб бориш билан бирга, Муқаддамда Алимардонга нисбатан уйғона бошлаган майлни ҳам аста-секин ёритиб боради.

Муқаддам тақдири "Қонқус" ривоятидаги қизни эслатади. Муқаддам билан Алимардоннинг биринчи юзма-юз учрашувидаёқ дўстликка хиёнат содир бўлади.

Ёзувчининг маҳорати қиссада реал ҳаётдан олинган, содир бўлиши мумкин бўлган турмуш материалларини изчил, ишонарли ёритишда кўзга ташланади. Биз ҳар уч қаҳрамонни ҳам жонли тасаввур этамиз, уларнинг ҳаракатларида сохталикни сезмаймиз.

Ўткир Ҳошимов халқ ривоятидаги сюжетни айнан кўчириб олмайди, балки унинг ғоявий асосидан усталик билан фойдаланади. Воқеалар тизмасига деталларни шунчалар усталик билан киритадики, китобхон воқеа оқимида ҳеч қандай ғайритабиийлик сезмайди, уни эҳтирос билан кузатиб боради. Ёзувчи Алимардонни истеъдодли хонанда, машшоқ сифатида қиссага олиб киради. Уни даволашга келган Муқаддам эса куй, қўшиқ сеҳрига маҳлиё. Худди ана шу хислат қизни бахтсизлик қаърига судрайди. Ёзувчи "тўсатдан келиб теккан ўқнинг зарби анчадан кейин билинар экан", дейиш билан Муқаддам йўл қўйган хатони тўлиғича очиб ташлайди.

Алимардон образида қисса сюжетини мукаммаллаштирадиган жуда катта ғоявий юк бор. Асардаги диққатга сазовор эпизодлар ва қаҳрамонларнинг деярли барчаси Алимардон образи атрофига тўпланади. Муқаддам, унинг дадаси Қори ака, Анвар, Иқбол хола, Клара, Мутал, Зуфар Ҳодиевичлар муайян бир гуруҳни ташкил этади, марказда эса ягона шахс – Алимардон туради. Алимардон атрофига тўпланган шахслар унга баъзан муҳаббат, баъзан нафрат билан муносабатда бўладилар. Қисса сюжети ана шу негизда ҳаракатга келади. Асосий тўқнашув эса Муқаддам туфайли Алимардон ва Анвар ўртасида содир бўлади.

Қисса сюжетини яратишда фақат халқ ривоятидангина эмас, балки халқ урф-одатларидан, мумтоз адабиётимиздаги қолиплаш санъатидан ҳам фойдаланилган. Туш таъбири сюжет ниҳоясида берилади. "Паст-баланд қоялар орасида от чоптириб бораётган"и қисса сўнгида "Волга" машинасининг шиддатли парвози бўлиб чиқади. Отнинг мункиб, қоп-қоронғи жарликка тушиб кетиши машинанинг жарликка ағдарилиши билан изоҳланади.



Суратда: *Ўткир Ҳошимов ва Саид Аҳмад.*

Агар ривоят фабуласи билан қисса сюжети қиёслаб кўрилса, ривоятда турмушнинг аччиқ ҳақиқати гавдаланганини, бу ҳақиқат кенг кўламда, турли соҳаларни қамраб олувчи фалсафий талқинда берилганини кўрамиз. Ёзувчи инсонга инъом этилган умр баҳорини ҳар йили такрорланиб келадиган баҳор фаслига қарама-қарши қўяди. Бу билан муаллиф агар инсон ана шу фаслни беҳуда ўтказса, гуллайдию ҳосил бермайди, деган ғояни олға суради. Сюжет хотимасида табиат манзараларини тасвирлаганда ҳам, аслида, ёзувчини инсон тақдири қизиқтиради.

Агар ривоятда икки дўстнинг ҳалок бўлгани талқин этилса, қиссада ёзувчи сюжет яратишдаги анъанага ўзига хос ёндашиб, дўстликка хиёнат қилган Алимардонни ҳалокатга ҳукм қилади. Китобхон дўстга садоқатли бўлган Анварни сюжет якунида яна учратади. Табиат тасвири билан Анварнинг Алимардон учун ачиниши ниҳоятда монанд берилган бўлиб, улар бир-бирини тўлдиради.

Адибнинг ҳар бир асари, албатта, даврга, тарихий воқеаликка ва ёзувчининг жамиятга бўлган муносабатларига қараб баҳоланиши лозим; ёзувчининг ҳаётини, характерини ва шу кабиларни кўриб чиқиш ҳам кўпинча асарнинг яратилишини аниқлашга хизмат қилиши мумкин. Бошқа томондан, санъатнинг хусусий эстетик талабларини назардан тушириб қолдириш ҳам мутлақо мумкин эмас.

"Баҳор қайтмайди" қиссасининг санъат асари эканлиги, унда бизга бевосита алоқадор бўлган воқеликнинг реал акс эттирилганлиги, муаллифнинг жамиятга эътиқоди эса таъсирчан ва ишонарли ифодаланганлигининг асосий сабаби ана шундадир.

Дамин ТЎРАЕВ,
филология фанлари доктори, профессор

ОРИФОНА ФАЛСАФАГА ХОС ТАЛҚИНЛАР

КИТОБИНГИЗНИ ЎҚИДИМ

Адабиётшунослар Илҳом Ғаниев ва Нодира Афоқованинг "Муҳаррир" нашриётида чоп этилган "Абдулла Ориф фалсафаси" номли китобида шоир ижодига бағишланган салкам ўттиз йиллик изланишлари жамланган. Тадқиқотда шоир ижодини ичдан нурлантириб, элга манзур қилиб турган қирралар, миллий ҳис ва умумбашарий ғоялар, жайдари фалсафалар, серқатлам маънолар, метафорик образлар инсон тақдири ва давр билан уйғунликда талқин қилинган.

Муаллифларнинг адабиётшуносликдан ташқари, энг аввало, умри сўз йўлида кечаётган ижодкор эканликларини инобатга олсак, мазкур тадқиқотнинг муваффақиятини таъминлаган омил ойдинлашади. Улар ҳар асарни текширар экан, сўзга турли ракурсларда ёндашади: поэтик маъно, лингвистик бирлик. Айни шу нуқталарнинг бирлаштирилиши тадқиқотнинг бош ютуғидир.

"Абдулла Ориповнинг битганлари шунчаки байтлар ёки байтлар мажмуи эмас. У ўз асарларида изчил равишда халқнинг қудратли тимсолини ярата олди, — деб ёзади муаллифлар. — Бу тимсолда Фитрат изтиробларининг зардоби, Чўлпон ишончининг тадрижи, Ойбекнинг жимжит ўкинчлари, Ғафур Ғулом ифтихорининг гулдурослари, Миртемирнинг майин лиризми, Шайхзода тафаккурининг даҳоси мужассамлашгандир." Дарҳақиқат, Абдулла Орипов ўзигача бўлган шоирлар овозини бирлаштира олди, бу соҳир овоз "ғамчил ўй, ўйчил ғам"га тўла, исёнкор оҳангларга йўғрилган. У халқ, ватан, миллат, адолат тўғрисида ёзиш кераклиги ёхуд бадиий "ижоднинг ижтимоий томонлари ҳам бўлиши лозимлиги" учун қоғоз қораламади. Балки ўз халқини қалбида ардоқлагани, ҳаёт қадар оташин муҳаббат билан севгани учун унинг бахти, камолоти, саодатини ва эртасини ўртаниб, ёниб, ҳайқириб ёзди.

Тадқиқотда Абдулла Орипов шеъриятининг тадрижий такомили, моҳияти, мазмун-мундарижаси, шоирнинг шахси, эътиқоди, умуминсоний тушунчаларга нисбатан қарашларидаги ўзгаришлар теран таҳлил қилинган. Китобдан қуйидаги кўчирмани келтиришни лозим топдик, токи ўқувчида яхлит тасаввур ҳосил бўлсин:

"...Кеч куз эди... Мен сени кўрдим,
Деразадан боқарди биров.
У – сен эдинг, о, деҳқон юртим,
Турар эдинг ялангтўш, яёв.
– Ташқарида изиллар ёмғир,

Кир, бобожон, яйрагил бир оз.
Дединг: – Пахтам қолди-ку, ахир,
Йиғиштирай келмасдан аёз.
Кетдинг, умри маҳзаним маним...

Бу мисраларда оғриқ ва шафқат, аянч ва изтироб, алам ва меҳр қанчалар кўп! Унда андишаси қулликкача, соддалиги гумроҳликкача, заҳматкашлиги ҳаммолликкача, фидойилиги қурбонликкача зўрланган халқ шоирининг ҳамма ҳам англаб ололмайдиган дил оғриқлари бор.

Шеърдаги замон (кеч куз, аёз келяпти), манзара (мен сени кўрдим, деразадан боқардинг, ёмғир изиллайди), ҳолат (турар эдинг ялангтўш-яёв), муносабат ("кир, бобожон, яйрагил", умри маҳзаним), психология ("пахтам қолди, ахир, йиғиштирай"), натижа (кетдинг) шу даражада аниқ, ёрқинки, юрак зириллаб кетади, кўнгилга хижолат тушади".

Тадқиқотда шоир танланган асарларининг саккиз жилдлиги асос қилиб олинган, ҳассос адиб ижодий эволюцияси синчковлик билан ўрганилган. "Кўҳна торнинг янги наволари" сарлавҳаси остида берилган, бундан 53 йил муқаддам, қизил империя айни қутурган пайт – 1968 йилда ёзилган "Бул ажиб хор кимсадин..." деб бошланувчи ғазал таҳлилида "дунё" сўзининг саккизта маъноси изоҳланган. Бу, албатта, ўқувчининг мумтоз адабиётга бўлган меҳр-муҳаббат, ихлосини кучайтирибгина қолмай, тилимизнинг серқатлам, серқирралиги билан янада яқиндан таништиради, луғат бойлигини оширади.

Муаллифлар поэтикага доир адабиётларда турлича тасниф этилаётган бадиий санъатлар хусусида ўз муносабатларини баён қилишда мавжуд мумтоз ва замонавий адабиётларни ўзаро чоғиштириб, сўнг якдил хулосаларни ўқувчилар ҳукмига ҳавола қилишган. Шунингдек, аруз вазнида ёзилган ғазаллар ҳақида тўхталиб "ўқувчи кўнглига туркий сўзнинг олтин даврлари нафасини олиб киради", деб баҳолашадики, бу жуда ўринли эътироф. Сир эмаски, ҳақиқий ижод соҳиблари қадимдан то бугунгача "сўз танлашда узоқ андиша кераклиги"га қатъий амал қилишган.

Абдулла Орипов шеърлари, достонлари, бир сўз билан айтганда, бутун ижоди халқ дарди, орзу-армонлари эртанги кунидан беҳад умидворлик, фахр, ифтихор ва дарддошликка йўғрилгани учун ҳамиша севиб ўқилган ва шундай бўлиб қолажак.

Дилшод МАМАРАЖАБОВ,
Шаҳобиддин ЎРИНОВ

ФЕСТИВАЛДАН КЕЙИНГИ ЎЙЛАР

ДАВР РУҲИГА МОНАНД

Ўзбекистон театрларининг "Сени куйлаймиз, замондош!" VI республика онлайн фестивали якунланди. Анжуманда тўққизта давлат театри мухлислар эътиборига турли мавзудаги спектаклларини ҳавола этди. Санъатшунослик фанлари доктори, профессор Дилфуза РАҲМАТУЛЛАЕВА фестиваль доирасида намойиш этилган спектакллар хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини театр ихлосмандлари билан ўртоқлашди.

Театр барча даврларда халқ ҳаёти ва дардини ифодалаган. У ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги ўзгаришларнинг тарғиботчиси, мавжуд иллатларни фош этувчи маёқ вазифасини бажарган. Шу маънода бу йил олтинчи марта ўтказилган Ўзбекистон театрларининг "Сени куйлаймиз, замондош!" республика кўрик-фестивалини ўтказишдан кўзланган мақсад ниҳоятда эзгу, яъни Ватанимиз мустақиллигини, миллий қадриятларимиз ва юртимизда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишларини тараннум этиш, юрт тинчлиги ва ободлиги йўлида фидокорона меҳнат қилаётган, илғор фикрли замондошларимиз образлари акс этган замонавий мавзулардаги спектаклларни яратишдан иборат.

Кўрик-фестивалда намойиш этилган спектаклларни мавзу доирасига кўра тоифалаш мумкин. Хусусан, Ўзбек миллий академик драма театрининг "Ўзгалар дарди" (муаллиф: Н.Аббосхон, режиссёр: А.Холмўминов), Қўқон шаҳар мусиқали драма театрининг "Фидойи" (муаллиф: А.Азизов, режиссёр: В.Юнусов), Андижон вилояти мусиқали драма театрининг "Ўжарлар" (муаллиф: Ж.Жабборов, режиссёр: И.Эргашев), Ўзбекистон давлат сатира театрининг "Жамоат фикри" (муаллиф: А.Баранга, режиссёр: Т.Исроилов) спектаклларини маълум касб-кор эгалари ҳақидаги асарлар сирасига киритиш мумкин.

Пандемия шароитида шифокорлар фаолияти халкни асраб қолувчи энг муҳим омил бўлгани фестиваль репертуарига ҳам таъсир ўтказгани сезилди. Хусусан, "Ўзгалар дарди" спектаклининг бош қаҳрамони элга хизмат қилишни бурчи деб биладиган, нафақага чиққан бўлса-да, ҳалигача беморларни даволаб, уларга беминнат хизмат қилаётган, ҳалол меҳнати билан бировлар корига яраганидан мамнун ҳаёт кечириб юрган хокисор, самимий аёл, олий тоифали шифокор Заҳро Самадовна. Спектакль сюжети воқеаларини ушбу шифокор аёлнинг уйига ташриф буюриб турадиган дўстлари билан суҳбатлари ҳаракатга келтиради. Шаҳарлик бу аёл хонадонига меҳмон бўлиб келган жайдари, меҳнатда тобланган, деҳқон дугонаси Рузвон, узоқ йиллар бирга ишлаган шифокор Зафар, уларнинг фарзандлари Умид, Чарос, Шокир билан суҳбатлар орқали инсоний тақдирлар ва ҳар бирининг дилидаги дард юз кўрсатади.

Табиатан турлича бўлган бу қаҳрамонлар ўртасидаги муносабатлар, баҳс ва мунозаралар замирида кундалик ҳаётимиздаги фазилатлар улуғланади, мавжуд иллатлар ўткир ҳажв остига олинади. Шу сабаб кучли драматик вазиятлар комик кўринишлар билан алмашиниб туради. Бу ҳолат, айниқса, турли авлод вакиллари — оталар ва болалар иштирок этган кўринишларда янада кескинлашади. Хусусан, тажрибали врач, бир умр виждон амрига бўйсуниб яшаб келган, ўзининг нафақага чиқарилганидан норизо Зафар амаки ва унинг бош шифокор бўлишни истовчи ўғли Шокирнинг ҳаёт ҳақидаги қарашлари бир-бирига тамомила қарама-қарши. Ота ўзгалар учун, ўғил эса ўзи учун яшаш ғоясини олға суради. Зуҳра Самадовна бир умр касбига меҳр бериб, халқ саломатлиги йўлида хизмат қилсаю унинг ёлғиз ўғли ота-она меҳрига тўймай ўсганидан ўпкаланиб турса... Шу маънода спектакль қаҳрамонларининг ҳар бирига хос дард турли кўринишларда акс этади. Асар қаҳрамонлари тилидаги ибратли, маъноли таъкидлар қаҳрамонлар ҳолатини ифодалаш билан бирга, асарнинг ибратли хусусиятини оширишга хизмат қилган. Актёрлар ансамблининг тўғри танлангани, уларнинг ҳамоҳанг ижроси, тажрибали актёрларнинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишдаги маҳоратлари жамоада саҳна маданиятининг юқори эканлигини кўрсатади. Натижада, умуминсоний муаммонинг гўзал саҳнавий ечимига эришилган. Энг асосийси, спектакль оталар ва фарзандлар ўртасидаги меҳр-оқибат масалаларини яна бир бор ёдга солади.

Оталар ва болалар мавзуси Сурхондарё вилояти мусиқали драма театрининг "Муҳаббатим — қисматим" (муаллиф: Х.Хурсандов, саҳналаштирувчи режиссёр: Ф.Болтаев) спектаклида ўзга бир ҳаётий кўринишда давом эттирилди. Кўнгил майлига қулоқ тутиб, ўзга аёл билан кетиб қолган эридан қолган уч фарзандини оқ ювиб, оқ тараб вояга етказган, ўзи ҳам ўқиб, фарзандларини ҳам ўқимишли қилган Малика асар бош қаҳрамони. Спектакль ушбу қаҳрамон тақдири мисолида турмуш синовлари олдида чекинаётган ва айнан шу сабаб оиладек муқаддас даргоҳга хиёнат қилаётган, фарзандлар тарбиясига масъулиятсиз инсонларга ҳаётий дарс беради, томошабинни оилани сақлашга ундайди.

Фестиваль доирасида намойиш этилган асарлар орқали замонамиз қаҳрамонини топиш ва уларнинг ибрати орқали бугунги авлодни тарбиялаш нияти Фарғона вилояти мусиқали драма театрининг "Лола" (муаллиф: Э.Сиддиқова, режиссёр: О.Абдуллаев) спектаклида ёрқин намоён бўлди. Мазкур саҳна асари Фарғона вилояти Олтиариқ туманидаги "Нурли обод" фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони, бугун номи эл орасида машҳур Лолахон Муродованинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида. Муҳими, театр жамоаси драматик асар учун материал бўла оладиган қаҳрамонни топган ва асарни саҳнага мослаштира олган. Дадил айтиш жоиз, спектаклда машаққатли ва зиддиятларга тўла ҳаёт йўлини босиб ўтган қаҳрамон образи яратилган. Асосийси, кучли шахсга муносиб қарши томон топилгани боис, саҳнада воқеалар шиддат билан ривожланади, бош қаҳрамон курашларда тобланиб, етук характер даражасига кўтарилади. Спектакль аввалидаги шўх, ўйинқароқ, машҳур пахтакор аёл Турсуной Охуновадек пахта териш машинаси рулини бошқариб, ўз меҳнати билан кўплаб аёлларнинг меҳнатини енгиллаштириш ниятидаги қаҳрамоннинг орзу-ниятлари ва уларни амалга ошириш йўлидаги интилишлари, бу йўлдаги қийинчиликлар ва зиддиятлар асар воқеаларини ҳаракатга келтиради. Режиссёр асар тилини саҳнага кўчиришда ўзига хос ечимлар таклиф этади. Хусусан, чўл изғирини, пахта даласини ифодаловчи пластик ҳаракатларга асосланган рақслар саҳнада табиатни жонлантириш билан бирга асар томошавийлигини оширади. Спектаклдаги хорнинг воқеалар ривожида ўрни билан саҳнада кечаётган воқеаларга жонли муносабати асар лиризмини кучайтиришга хизмат қилган.

Давр муаммоларини кўтариб чиқиш бугунги театрнинг энг олий ниятидир. Шу маънода Қорақалпоқ давлат ёш томошабинлар театрининг "Олмоқнинг бермоғи бор" (муаллиф: Қ.Норқобил, саҳналаштирувчи режиссёр: У.Бектурганов) спектаклида жамиятимизда учраб турадиган порахўрлик, яъни коррупциянинг олдини олиш масалалари билан боғлиқ воқеалар кўрсатиб берилган. Режиссёр асардаги турли ёш ва касб-кордаги иштирокчиларни саҳнага жойлаштиради. Улар ўрни билан спектакль воқеаларида иштирок этадилар ва яна ўз жойларига бориб ўтирадилар, кези келганда омма вазифасини бажарадилар. Ушбу восита томошабинларни ҳам воқеа иштирокчисига айлантиради. Коррупциянинг пайдо бўлишига одамларнинг ўзи сабабчи экани ёрқин мисолларда акс эттирилган спектаклда бу иллатни таг-томири билан юлиб ташлаш керак, деган ғоя етакчилик қилади ва у ҳаммамизнинг ишимиз эканлигига урғу берилади.

Фестиваль доирасида ёшларнинг ҳаётий позицияларини шакллантиришга хизмат қиладиган спектакллар ҳам намойиш этилди. Каттақўрғон шаҳар драма театрининг "Қалтис қадам" (муаллиф: Ф.Тошев, режиссёр: Ғ.Мардонов), Самарқанд вилояти мусиқали драма театрининг "Тазарру" (муаллиф: Ф.Тошев ҳикояси, У.Ўсаров инсценировкаси, режиссёр: Ғ.Мардонов) каби спектаклларни шу йўналишдаги асарлар сирасига киритиш мумкин. Жумладан, "Қалтис қадам" спектакли "Меҳр" инсонпарварлик операцияси сабабчилари ҳақида. Унда эҳтиётсизлик сабаб Сурияга бориб қолган Ойгул исмли аёлнинг аччиқ қисмати ҳикоя қилинади. Воқеалар кечиши жараёнида ҳаётда ўз ўрнини тополмай, турмуш синовлари қаршисида танг аҳволда қолган қаҳрамоннинг ҳолати томошабинни сергакликка ундаши, шубҳасиз.

Таъкидлаш жоизки, фестиваль доирасида намойиш этилган спектакллар даврнинг энг долзарб муаммоларини кўтариб чиққани билан эътиборли бўлди. Мазкур анжуман республика театрларида замонавий мавзуни ўзлаштириш доирасида ўзига хос ижодий жараён кетаётганини кўрсатди. Бироқ драматургия театрлар олдида қарздор экани яна бир бор кўзга ташланди. Тан олиб айтиш лозим, замонавий мавзуларни саҳнага олиб чиқишда ҳали қилиниши зарур бўлган вазифалар бисёр. Драматургия ҳамон давр талабларидан ортда қолмоқда. Аксар спектакллар инсценировкалар асосида яратилаётгани ҳам сир эмас. Ҳаёт шаҳдамлик билан илдамлаб кетаётгани сабаб аввалги даврларда ёзилган бадиий жиҳатдан юксак асарлар билан бугунги томошабинни қизиқтириб бўлмаслиги ҳам аён бўлмоқда. Шу маънода адабий асарларнинг энг мураккаб турида, саҳна талаблари асосида ёзилган асарларга бўлган эҳтиёжни қондириш бугуннинг энг олий мақсади бўлиб қолмоқда. Зеро, театрнинг асосий вазифаси жамиятдаги муаммоларни ўз даврида илғаш, уни кўрсатиш орқали одамларни тарбиялаш, ва энг муҳими, жамиятни поклаш, тозартиш эканини ўйласак, жамиятнинг энг нозик нуқталарини кўрсатиб, улардан фориғ бўлиш учун ўйлашга йўналтириш бош вазифа бўлиб қолаверади.

Мамлакатимизда театр санъатини ривожлантириш масалаларига катта эътибор қаратилиб, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишда унинг беқиёс роли ва ўрни эътироф этилмоқда. Бироқ ушбу ишларни амалга оширишнинг янги тизимини яратиш юзасидан кўплаб долзарб вазифалар турган вақтда драматургиядаги бу каби оқсаш, талаб даражасидаги асарлар кам яратилаётгани таассуфли. Қолаверса, режиссёрларнинг маҳорати борасида ҳам муаммолар кўзга ташланмоқда. Плакат шаклидаги асарларнинг пайдо бўлаётгани, спектакллардаги иллюстратив шаклдаги узуқ-юлуқ саҳнавий кўринишлар театрлардаги етакчи кучлар малакасини ошириш лозимлигини кўрсатмоқда. Театр жамоаларида адабий эмакдошлар ўрни ва масъулияти бугунги кун талаби даражасида эмас. Буни соҳага кириб келаётган ёшларнинг малакасини кучайтириш билангина амалга ошириш, камчиликларни соҳа мутахассисларини ривожланган мамлакатларга стажировкаларга юбориш орқали бартараф этиш мумкин. Бу давр талабидир. Фестиваль кунлари ташкил этилган спектакллар муҳокамаларида ҳам бу каби масалалар мутахассислар томонидан бот-бот кўтарилди.

Фестивалнинг сўнгги куни ўтган "Замондош образининг саҳнавий талқини масалалари" мавзусидаги илмий-амалий конференция ҳам қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Ҳақиқат эса баҳс-мунозараларда туғилади. Ҳаёт мавжуд экан, театр санъати яшашда давом этаверади. Фестивалдан кўзланган мақсад ҳам аслида шу.

ИҚРОР

ҚАЙТА ТУҒИЛГАН КУНИМ

Бугун менинг туғилган куним, қирқ учга кирдим. Шунгами, эрталабдан қандайдир эркалигим тутиб, ўзимча нималарни орзу қилмадим. Аммо одамни руҳан юксалтириб, камолотга ундовчи фавқулодда ҳодиса рўй бериши... етти ухлаб тушимга ҳам кирмаган эди.

Тасаввур қилинг, 101-автобусда Дўрмондан "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" таҳририятига қараб келяпман: қаршимда онаси билан ёнма-ён ўтирган бир карич, жимитдек қизча; қўлида ҳеч кимга беришни истамаётгани – минг сўмгина пул. "Тузук-қуруқ гапиришни ҳам билмас-ов. Қиёфасида беғуборликнинг масъумияти барқ уриб турибди". Қизча ҳақидаги илк тасаввурим ҳали тўла шаклланиб улгурмай, автобус навбатдаги бекатда тўхтади ва изтироб чекаётгани шундоққина юз-кўзидан кўриниб турган, ўрта бўйли, корачадан келган бир... одам автобусга чиқди. У маъносиз нигоҳларини менга тикканча ёнимдаги бўш ўринга чўкди. Қизча ҳам худди шуни кутиб тургандек, дарҳол жажжи кўлчаларидаги минг сўм, минг сўмгина пулни унга узатди – саховат қилди – кондукторга бериш учун онасидан олган бўлса керак-да – бояги одам ўрнидан туриб кетди. Энгашди. Қизчанинг юз-кўзидан ўпди. Сочларини силади. Сўнг... кўзда ёш, титроқ қўллари билан гоҳ кўйлаги, гоҳ шимининг чўнтакларини ковлай бошлади. Ниҳоят... чўнтагидан юз доллар, ҳа, ҳа, юз доллар чиқариб, қизчанинг қўлига тутди. Кўзларимнинг пахтаси чиқиб кетди.

— Йў-ў-ўқ, керакмас, — бир қалқиб тушди қизчанинг онаси, сўнг бирдан гўдаккинанинг қўлига ёпишди. – Бер, буёққа!

Гўдак энг хавфли қуролини ишга солди – чинқириб йиғлади. Норози қарашлар, бетоқат нигоҳлар аёлни муросага келтирди:

— Олинг буни! Нега бундай қиласиз?!

— Шу жимжилоқдек қизчанинг минг сўми менинг юз долларимдан қимматлироқ, — овози титради нотаниш кишининг, — чунки унинг беғубор ҳиммати замирида на таъма, на миннат ва на манфаат бор. Кейин, — қулт этиб ютинди, — берганини қайтиб эсламайди ҳам. Мен мана шу қизчадай беғубор қалб соҳибларининг, улуғ устозларнинг ҳимматига ноил бўлган... ҳиммати паст бир... одамман. Узр, — деб йиғлаб юборди. Сўнг... ҳеч ким, ҳеч нарсага қарамай, туртиниб-суртиниб олд эшикка қараб йўналди.

Аёлнинг: "Ҳой, тўхтанг! Кимсиз ўзи?", дейишига ҳам қарамай навбатдаги бекатда тушиб қолди. Воқеа шунчалар тез ва кутилмаганда содир бўлдики, биров кўрди, — биров кўрмай қолди. "Во-о-ой, — тонг қотди қизчанинг онаси, — дадамизга нима деймиз энди?! Билса, ўлдиради-ку бизни!" Мен ҳам ҳайрону лол – миям ишламай қолди, нима деб ўйлашни ҳам билмасдим. "Шунақасиям бўладими? Яна туғилган кунимда-я? Бу нимага ишора? Қизиқ, ким у одам?! Юрагида қандай дарди, изтироби бор?!" Хаёлларим чалкашиб кетди.

Ақл бовар талқин изладим: "Балки у бирор яқинига хиёнат қилгану энди ўзини шу йўл билан овутмоқчи ё покламоқчидир. Ё шу қизчага ўхшайдиган ширингина қизалоғи бўлгану ундан айрилиб қолганми? Эҳтимол, кимдир обдон тавбасига таянтиргандир? Ҳойнаҳой, мен уни... бу нотаниш кишини танийман; суратини бўлмаса ҳам сийратини яхши биладиганим – асарлари юракка яқин бирор ёзувчи ё шоир бўлса керак".

Бирдан кўзим ярқ этиб очилди: шундоқ кўз ўнгимда "Хотиним, болам касал, энг ёмони, кисасам ҳам касал", деб турган бир ёш қаламкашга оз эмас, кўп эмас, беш юз долларни бериб юборган, эвазига ундан на раҳмат, на дуо кутган таниқли адиб ва журналист Зойир Мамажоновни эсладим. Яна денг, ўша ижодкорнинг эртаси куни тағин пул сўраб келгани, фақат бу сафар "хотиним" эмас, "онам касал" деганию Зойир аканинг индамай бир қараб қўйгани ҳам ёдимда. Ва яна эсладим: куни кеча, Рамазон ойида ижтимоий тармоқлар қайсидир масжиднинг эҳсон қутисига эллик минг доллар ташлаб кетилгани, сўнг бу пуллар оққон касалига чалинган болаларга эҳсон қилингани ҳақида шов-шув кўтарганди.

"Демак, — хулоса қилдим, — шунақасиям бўларкан-да!".

Дафъатан ҳиммати баланд элнинг ўзига хос менталитети, юксак ахлоқий фазилатлари, иложини топса, яширинча пийсабилло яхшилик қиладиган савобталаб инсонларнинг кўплиги ҳақида ўйлай бошладим ва бирдан она элим, дўст-биродарларимга меҳрим ийиб, эркалигим тутиб кетди. Дарров энг яқин дўстим, курсдошим Маъруф акага қўнғироқ қилдим:

— Сизни туғилган куним билан табриклайман, — деган ҳам эдимки, у ёқдан ҳам худди шундай табрик янграб, овозларимиз тўқнашиб кетди, иккаламиз ҳам бараварига кулиб юбордик. Дарров қувликка ўтдим: – Туғилган кунимга сиздан совға олишни истайман!

— Марҳамат, нима экан у?

— "Ҳуррият"да мақолам чиқибди. Малол келмаса, бир-икки нусха олиб қўйсангиз. Таҳририят сиз ишлаётган бинода экан.

— "Ҳуррият" қанча тураркин? беш минг сўм берсам, бўлар-а?!

— Қанча турсаям, олинг. Товон тўлайман.

Маъруф ака кулиб юборди.

— Туғилганим беш минг сўмга арзимайдими?

— Кўнглингиз тўқ бўлсин, — юмшади у. – "Прикол" қилдим.

Ҳазил ўз йўлигаю барибир ўйланиб қоларкан киши: "Наҳот умрим ҳеч нарсага арзимаса? 101-автобусга ўхшаб Дўрмон билан газета таҳририяти орасида, тўғрироғи, ер ости йўли – метрогача, ер остидан то "ЎзАС"гача бўлган йўлда кечган қанчадан-қанча умрлар-чи?". Эрталабки ва ундан кейинги воқеалар сабаб, кечгача адабиёт ва санъатга бахшида минглаб умрлар ҳақида ўйладим. Бир умр едириб-ичирган, кийинтирган, таълим-тарбия бериб, "қалб кўзини очдим" деб ўйлаган фарзандлари кексайганда уйини тортиб олган, судлашган санъаткорлар ҳам, ўз китоблари, ҳаётий тажрибалари билан маънан камолга етказган шогирдларидан озор чеккан улуғ шоирлару ёзувчилар ҳам қолмади мендан. Ҳаммасини бир-бир кўз ўнгимдан ўтказдим, чуқур-чуқур ўйларга толдим.

Тўғриси, автобусдаги воқеа сабаб, қайта туғилгандай бўлдим ва ногоҳ бир ривоят ёдимга тушди: эмишки, собиқ сўқир бир куни ўз кўзини очган табибнинг бошини уриб ёрибди. Атрофдагилар: "Нега бундай қилдинг? Ахир, у сенинг кўзингни очган, зулмат оламидан ёруғ дунёга олиб чиққан эди-ку?" деса, "Агар шу табиб бўлмаганида, кўр кўзим очилмаган ва мен бу разолатга тўла дунёни кўрмаган бўлардим", деган экан ҳалиги нодон.

Хулосадан баданим жимирлаб кетди... Қаттиқ изтиробга тушдим. Доғистонлик машҳур шоир Расул Ҳамзатовнинг бир гапини эсладим: "Бизда онадан туғилган кун эмас, ёш шифокорнинг мутахассислик дипломини олиб, илк беморини оёққа турғизган куни, балоғатга етган ўғлоннинг биринчи маошини ота-онасига келтириб берган ёки чавандознинг от миниб, қилич ўйнатишни ўрганган куни унинг туғилган куни ҳисобланади ва ўша кун бир умр шукрона куни сифатида нишонланади".

Доғистонча ақидага кўра, туғилган куним билан қайта туғилган куним бир кунга тўғри келибди-да. Буни қарангки, қирқ учга кириб ҳали бунақасига дуч келмаган ва шу вақтгача туғилган кунимни ҳам тузук-қуруқ нишонламаган эканман. Ҳойнаҳой, 101-автобус йўналиши йўлга қўйилгандан буён бу автобус тарихида ҳам ҳали бундай воқеа кузатилмаган бўлса керак. Демак, менинг туғилган куним – 101-автобуснинг ҳам туғилган куни экан-да.

Шуҳрат АЗИЗОВ

ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИДА

АДАБИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР

Шу кунларда таваллудининг 222 йиллиги кенг нишонланаётган атоқли рус шоири Александр Сергеевич Пушкиннинг дунё адабиётига қўшган ҳиссаси катта. Бошқа қардош адабиётлар қатори XX аср ўзбек адабиёти тараққиётида ҳам Пушкин ижодининг таъсири сезиларлидир.

6 июнь – шоир туғилган кун муносабати билан Александр Сергеевич Пушкин таваллудининг 222 йиллигига бағишланган адабий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Пушкин ҳайкали қошида бўлиб ўтган тадбирда Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги, Россиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси жамоаси ҳамда таниқли ижодкорлар, адабиётшунослар, санъаткорлар, кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

— Рус адабиётида Пушкин сиймоси алоҳида ўрин тутади, — деди тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид. — Шуниси аҳамиятлики, бир умр озодлик ва ҳурликни, меҳр ва муҳаббат, юксак инсоний туйғуларни куйлаган шоир рус халқи учун қанчалар севимли бўлса, ўзбек китобхони учун ҳам шунчалар ардоқлидир. Балки, бу унинг шеъриятидаги юксак бадиият, кўнгил озодлиги, ёниқ муҳаббат, покиза изтироблар, теран маънолар, ғарбона оҳанглар замиридаги шарқона руҳ, ҳикмат садоларининг сезилиб туриши билан боғлиқдир.

Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси раиси Рустамбек Қурбонов мамлакатимизда турли миллат ва элат вакиллари аҳил-иноқ яшаётгани, уларнинг миллий байрам ҳамда маросимлари нишонланаётгани давлатимиз томонидан олиб борилаётган инсонпарвар сиёсат ифодаси эканини таъкидлади.

* * *

Фарғонада вилоят ҳокимлиги ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими ҳамкорлигида "Навоийхонлик ойлиги" ўтказилди.

Ёшлар ўртасида китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш, Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганиш, унинг инсонпарварлик ғоялари билан йўғрилган асарлари мазмун-моҳиятини аҳоли, айниқса, навқирон авлод онгига чуқур сингдириш, ўзбек мумтоз адабиёти, ўзбек миллий маънавиятининг ривожланишида Навоий ижодини том маънода халқ мулкига айлантириш мақсадида бир ой давомида ўтказилган тадбирлар ва кўрик-танловлар шу йўналишдаги Президент фармони ва қарорларининг ижросини таъминлашга қаратилгани билан алоҳида аҳамиятга эга.

Аҳмад Фарғоний номидаги вилоят ахборот-кутубхона марказида бўлиб ўтган анжуманда "Навоий издошлари", "Ғазал билимдонлари", "Навоийга эҳтиром" кўрик-танловларининг энг фаол иштирокчилари тақдирландилар.

* * *

Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида таниқли адиб Неъмат Арслон таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан тадбир бўлиб ўтди. Дастлаб туман ҳокимининг тил масалалари бўйича маслаҳатчиси Лола Ўроқова ҳоким табригини ўқиб эшиттирди. Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раҳбари Ўроз Ҳайдар сўзга чиқиб, адибнинг бадиий маҳорати хусусида сўз юритар экан, Неъмат Арслон асарларида умуминсоний ғоялар етакчилик қилишини таъкидлади.

* * *

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида таниқли шоирлар Жамолиддин Муслим ва Носиржон Юсуповнинг "Шоҳ Машраб ихлосмандлари" китоби тақдимоти бўлиб ўтди. Китобда "Шоҳ Машрабнинг Нурота сафари", "Баҳри тавили Машраби шаҳид", "Яқин ўтмишда Наманган", "Ҳасти Лангар зиёратгоҳи", "Тарих тилга кирганда" номли қатор қизиқарли мақолалар ҳамда хотиралар жамланган.

Тадбирда Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари Ғайрат Мажид, "Шарқ юлдузи" журнали бош муҳаррири Сирожиддин Рауф мазкур тўпламнинг энг муҳим жиҳатларига тўхталиб, буюк тарихимиз ва Бобораҳим Машраб сингари улуғ аждодларимиз ҳақидаги бундай асарлар ёш авлод тарбиясида муҳим ўрин тутишини таъкидлашди.

МУСАВВИРНИНГ РАНГИН ДУНЁСИ

Ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларида Ўзбекистон тасвирий санъатининг авангард йўналишида янги авлод ижодкорлари пайдо бўлди. Ана шу ижодкорлар орасида Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Ортиқали Қозоқов ҳам бор эди. Мусаввирга дастлабки саволимиз уни тасвирий санъат оламига етаклаб кирган омиллар ҳақида бўлди.

— Санъатга меҳр мактабда ўқиб юрган пайтларимда пайдо бўлган. Мактабимизнинг узун йўлаклари деворига шу даргоҳни аъло баҳоларга тугаллаб, нуфузли мартабаларга, катта ютуқларга эришган инсонларнинг портретлари осиб қўйилганди. Ўшанда йўлакдан ўтаётиб, бир кун биз ҳам шу инсонларга ўхшаган бўлармиканмиз, деб орзу қилардик. Портретлар муаллифи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи Анорбой Каримқулов бизга расм дарсидан сабоқ берган. Республикада биринчи бўлиб "темир одам", яъни робот ясаган, бир умр қишлоқда яшаб, ижод қилган, болаларга таълим берган, "Меҳнат шуҳрати" ордени билан тақдирланган Анорбой ака жуда қизиқувчан, ҳамма фанларни қизиқиб ўқиган.

Рассомликни мақсад қилиб олишимга бир воқеа сабаб бўлган. Бир куни бобом билан Наманган шаҳрини айланиб юрсак, Алишер Навоий номидаги театрда намойиш этилаётган кўргазмага кирдик. Фойеда мазкур санъат даргоҳи бош рассомининг ижодий кўргазмаси намойиш этилаётган экан. Турли суратлар орасида акварелда чизилган "Биринчи қор" деб номланган манзара эътиборимни тортди. Рассом ишларидан ҳайратга тушдим. Бола эдим, тақлид қилдимми, шу воқеадан сўнг акварелда расм чизишни бошладим. Олтинчи-еттинчи синфда ўқиб юрган пайтимда, илк бор онажонимнинг пахта териб турган пайтини акварелда тасвирлагандим. Кейин кўчамизнинг суратини ва натюрмортда гулларни тасвирлаб, "Гулхан" журналига юбордим. 1976 йиллар эди. Мактубимга жавоб келмади. Хафа бўлиб, мендан рассом чиқмаса керак деб, расм чизишни ташладим. Бир куни Чуст туманига акаси билан борган синфдошим "Матбуот" дўконидан "Гулхан" журналини сотиб олиб, варақлаб чиқади. Журналнинг учинчи саҳифасида тўртта расмим Ўзбекистон халқ рассоми Чингиз Аҳмаровнинг "Оқ йўл"и билан эълон қилинган экан. Миллионлаб болаларнинг ичидан менинг ишларим танлаб олиниб, "Оқ йўл" тилаб чоп этилиши менга ва оиламдагиларга қандай таъсир қилганини тасаввур қилинг. Шу сабаб рассом бўлишга қатъий киришдим. Биринчи кўргазмам мактабда намойиш этилди. Ундан кейин туман марказида, вилоятда кўргазмам бўлиб ўтган. Муҳими, Чингиз Аҳмаровнинг "Оқ йўл"и ҳаётимда ижодий бурилиш ясаган.

— Бугунги кунга қадар ижодингизнинг сайқалланишида ўрин тутган устозларингиз ҳақида билмоқчи эдик.

— Мактабда менга устозлик қилган Анорбой Каримқулов, Чингиз Аҳмаров, Тошкент давлат Санъат институтидаги устозларим Дилёр Имомов, Раҳим Аҳмедов, Имяр Мансуров, Собир Раҳметовнинг ижодий фаолиятимдаги ўрни беқиёс. Улардан ўрганганларимни ҳаётий тажрибам билан умумлаштириб, ижодий йўналишимни топдим. 1990 йилларда француз импрессионист рассомлари Анри Матис ҳамда Винсент Ван Гог асарлари менга катта таъсир кўрсатган. Ўтган йили Испанияга ижодий сафарим давомида Сальвадор Дали театр-музейида унинг асарларини яқиндан кўриш насиб этди. Шу сафардан сўнг ўзимга "Ўзбекистонда тасвирий санъатни ривожлантириш учун омиллар етарлими", дея савол бердим. Ўйлашимча, юртимизда тасвирий санъатни ривожлантириш учун зарур бўлган омил ва имкониятлар бошқа мамлакатлардан кўра юқорироқ. Биринчидан, қуёшли ўлкамизда тўрт фасл алмашуви мўътадил. Масалан, Буюк Британияда йигирма кун бўлган бўлсам шундан икки соатгина қуёш чиқди, холос. Қолган пайт қуюқ, кулранг туман. Яна бир жиҳати юртимизда мавзулар кўп ва ранг-баранг. Мана, "Наврўз", "Ҳосил" байрами, ёки бўлмаса, халқимизнинг тўйлари, анъаналари, Самарқанд, Бухоро, Хива каби қадимий обидаларга бой шаҳарларимиз бор. Рассом битта мавзуни чизаман, деса умр бўйи тугамайди. Халқ амалий санъати дурдоналари ижодкорларга шунақанги ранг-баранг ғоялар берадики, бу ҳеч бир юртда йўқ.

— Услубингиз шаклланишига қадар таниқли рассомлар ижодига тақлид қилганмисиз? Ўз йўналишингизни топишга қанча вақт керак бўлган?

— Бу жуда мураккаб босқич. Институтни тамомлагандан кейин беш йил ўз йўналишимни излаганман. Яъни боғу роғ, тоғу тошларга чиқиб, ўша жойларда ўзимни синаганман. Тоғли кенгликларда реализм, авангард ва сюрреализм услубида қайта-қайта суратлар ишлаганман. Энг муҳими, ижодкор тўхтамаслиги лозим. Беш, ўн йилдан кейин ҳам ижодкорнинг услуби ўзгариши мумкин. Асарларини томошабин тушуниши ҳам ижодкор учун жуда катта бахт. Масалан, баъзи буюк рассомларнинг асарлари ўз вақтида тушунилмаган, 100-200 йилдан кейин ҳақиқий мухлислари пайдо бўлган.

Энди ижод бошлаган пайтларимда Ғарб рассомларига тақлид қилганимни яширмайман. Анри Матисснинг ёрқин, бир-бирини тўлдирувчи ранглар мутаносиблиги ёки Сальвадор Далининг фалсафий мушоҳадаларга бой ишлари мен учун янги олам эди. Мустақиллик рассомларга ижод эркинлиги билан бирга, ранг-баранг қарашларнинг шаклланишига ҳам имкон берди. Етти йилдан буён Тайпей шаҳрида бўлиб ўтадиган халқаро кўргазмада мунтазам қатнашиб келаман. Кўргазма доирасида чоп этилган альбомнинг биринчи муқовасида берилган ўттиз бешта мамлакатнинг икки юздан ортиқ рассомлари орасида менинг ҳам асарим бор.

— Устоз-педагог сифатида ҳозирги ёш рассомлар билан ўзингизнинг ёшлик даврингиз орасида қандай тафовутни кўряпсиз?

— Ҳозирги ёшлар билан бизнинг ёшлигимиз ўртасида жуда катта фарқ бор. Бугунги ёшларнинг тафаккури, дунёқараши юқори бўлиши билан бирга, уларга ижодий имкониятлар эшиклари кенг очилган. Рости, бизда бунақа имкониятлар бўлмаган, бўлса ҳам тор доирада эди. Ҳозирги ёшлар ишларини хоҳласа кўргазмага қўйиши, мукофотлар олиши, сотиши мумкин. Илгари институтни битирмагунча ёш рассомда асарни сотиш, кўргазмаларга қатнашиш имконияти бўлмаган. Лекин турмушдаги камчиликлар, маиший, ижтимоий ҳаётдаги муаммолар баъзи ёш ижодкорларга салбий таъсир қилаётган ҳолатлар ҳам бор. Ёш рассомлар кундалик турмуш ташвишларига ўралашиб қолмасдан, олдиларига каттароқ мақсадлар қўйиб, кўпроқ ижод билан машғул бўлишлари лозим. Биз ўқиб юрган пайтда расм сотиш, сотиб олиш уят ҳисобларди. Ҳозирги замонда расмингиз сотилмаса, ўртамиёна рассом ҳисобланасиз. Агар асарингизга харидор бўлмаса, демак, талаб йўқ, деган хулоса келиб чиқади. Кўряпсизми, дунёқараш қай даражада ўзгарган!

— Халқимизнинг тасвирий санъатга қизиқиши ортиб бормоқда. Ота-оналар болаларини тўгаракларга олиб бориб ўқитишади. Бу – яхши. Ўнта бола ичидан битта бўлса ҳам етук рассом чиқиши мумкин. Болаларнинг атроф-муҳитга муносабатида, тафаккури ривожланишида тасвирий санъатнинг қандай ўрни бор?

— Ота-она боласида сурат чизишга астойдил қизиқиш борлигини сезса, аввало, устозга олиб бориши керак. Агар устоз маъқулласа, маблағ сарфлаш лозим. Етти пуштида кимдир рассом ёки ижодкор бўлган бўлсагина, санъатга астойдил қизиқсагина ҳаракат қилса бўлади. Қолаверса, болаларнинг истеъдодини юзага чиқаришда устозларнинг роли ҳам жуда муҳим.

Энг муҳими, ота-оналар фарзандларини қанча қизиқтирса, жуда катта иш қилган бўлади. Қолаверса, ўзлари ҳам санъатни ўрганиши керак. Тасвирий санъат ҳақида фильмлар, китоблар бор. Ҳозир ўйинлар кўпайиб кетяпти, бадиий лотереялар тарзида тасвирий санъат тарғиботини амалга ошириш ҳам мумкин.

— Гавҳаршодбегим, Бибихоним, Камолиддин Беҳзод, Чўлпон каби тарихий сиймоларни чизишингизга нима сабаб бўлган?

— Тарихий сиймоларга илгаридан қизиққанман. 1996 йили Францияда бўлиб ўтган "Амир Темур даврида фан ва маданиятнинг гуллаб-яшнаши" деб номланган кўргазмага "Бахт карвони" деб номланган асарим қўйилган. Ўша пайтда тарихий сиймоларнинг ҳақиқий образи қандай экан, деган фикр пайдо бўлган. Шундан кейин 1996 йилнинг ўзида "Сароймулкхоним" номли асаримни ишлаганман. Кейин тарихий маликалар ҳаётини ўргандим. Халқаро Амир Темур жамғармаси ўтказган танлов ҳайъати аъзоларидан Абдулла Орипов, Пиримқул Қодиров, тарихчи олимлар, музей директори "Темурий маликалар" тўпламимга юқори баҳо беришган. Асар шунчаки устахонанинг ўзида яратилмаган. Прототипни излаш жуда мураккаб бўлган. Айнан самарқандлик аёлга хос ва мос образ қидирганман. Чизиб бўлганимдан сўнг кўнглим унча тўлмаган. Ҳаётий образни топиш жуда мураккаб жараён. Рассом тарих ичига кириб боргани сари янги мавзу пайдо бўлаверади.

— Сиз ўзингизни ислоҳ қилиб борасизми?

— Ҳар бир асаримнинг яратилиш жараёнини ёзиб бораман. Йил бошида ўзим учун режа тузаман. Шуни бажаришга ҳаракат қиламан. Ҳамиша қилган ишларимни тафтиш қилиб бораман. Рассомга бунинг нима кераги бор, дейишлари мумкин. Саксон уч ёшида Одил Ёқубов шундай деган: "Дунёда хафа бўлишга арзийдиган нарсанинг ўзи йўқ. Ўзингни ва ўзгани хафа қилма". Ўша пайтда ёзувчи билан суҳбатлашиб ўтиргандик. Шу гапни устахонамга келиб, дарров ёзиб қўйганман.

Ҳар йил якунида ўтган кунларимга назар соламан. Ҳаётимдаги энг яхши воқеа, ўзим туғилган "Санг" қишлоғида галерея қуриб, санъатсевар мухлисларимга туҳфа этганим. Бу санъат масканида нафақат бадиий асарлар намойиш этилади, балки яқин-атрофда яшайдиган қишлоқ болалари ҳам расм чизиш билан шуғулланишлари учун қулай, шинам хоналар мавжуд. Унда малакали устозлар болаларга тасвирий санъатнинг илк алифбосидан сабоқ берадилар. Ёш пайтимда Ўзбекистон халқ рассоми Ўрол Тансиқбоев уй-музейига ҳавас қилардим. Умуман, юртимиздаги бошқа уй-музейларга ҳам. Мана, йиллар ўтиб, орзуларим ушалди. Шу санъат маскани очилганида ниҳоятда қувондим. Болалар шуғулланадиган санъат маскани яна биттага кўпайди. Насиб қилса, бундай орзуларим кўп...

Сарвара ҚОСИМОВА
суҳбатлашди.

БОЛАЛАР БЕКАТИ

Нуруллоҳ ОСТОН

ДАШТДА

Даштда сабза барқ урди,
Қалдирғочлар чарх урди.
Сой сувлари шовуллар,
Қизғалдоқлар ловуллар.
Оппоқ тонгнинг нафаси,
Тўрғайнинг нозли саси
Оҳ, нақадар гаштлидир,
Мен қўмсаган дашт шудир!

СОВҒА

Бир, икки, уч мома,
Бизга топил, чучмома.
Чақмоқнинг найзасини,
Адирнинг майсасини,
Исмалоқнинг исини,
Қизғалдоқнинг қизини
Бизга совға қил, баҳор,
Бағри тўла гул баҳор!

ТОНГДА

Ҳатто кўзга ташланмас
Ой юзида чандиғи.
Уфқларда очилди
Тонгнинг олтин сандиғи.
Сандиғидан нурли тонг
Тиллоларни улашди,
Кун нурида болалар
Тонгни қутлаб қувнашди.

ДОВУЧЧА

Ўрик тўкди гулини,
Тугди довучча.
Ўроқ эгди шохини,
Йиғди ҳовучча.
Довуччанинг таъмидан,
Афти буришди.
Хом мевани узма деб,
Боғбон уришди.

УЧАР БАЛИҚЛАР

Сарин ҳаво уфуриб,
Шаршаралар ҳайқирар.
Гала бўлиб балиқлар,
Сув сатҳида сайр қилар.
Қушлар учар чулдираб,
Жўр бўлади ариқлар.
Гала балиқ қараб дер:
— Ана, учар балиқлар!

САЛОМ

Салом бермоқ одобдир,
Салом сўзи офтобдир.
Агар яхши боласан,
Мудом олқиш оласан.
Салом сахий кишидир,
Бу юракнинг ишидир!

ТУЯ

Юришлари ноз билан,
Беллашади ёз билан.
Сув ичмайди ҳафталаб,
Ҳеч қилмайди наф талаб.
Бир қондирса чанқоқни,
Еяверар янтоқни!

ТОШБАҚАНИНГ ЧАЁНГА ЎГИТИ

Гарданимда қалқоним,
Чўнтагимда талқоним.
Бардам бўлгин ишингга,
Зўр бермагин нишингга.
Нишинг кетса тўкилиб,
Кейин юрма ўкиниб!

ЧОЙХОНАДА

— Ширчойимни ким ичди?
Қуён дўқлашга тушди.
Тулки деди: — Ҳей, шошма,
Билмасдан ичдим, ошна!
Тортиб оғзин танобин
Қуён дейди: — Жанобим,
Кам солибсиз қантини,
Емабсиз-ку мантини...

АЁЗ

Қойил қолдим Фаёзга,
Парво қилмас аёзга.
Мен-чи, қишга йўқроқман,
Баҳор, ёзга ўчроқман.
Фаёзга совуқ ёқар,
Менинг-чи, бурним оқар...

ЧУВАЛЧАНГГА

Ёмғир ёғар хўп эзиб,
Чиқ, чувалчанг, ер қазиб.
Чўзил кўчада яйраб,
Бақалар берсин сайраб.
Қўрқма энди совуқдан,
Ҳазир бўлгин товуқдан!

ИЗҚУВАР

Мен машҳур изқуварман,
Чопқирман, тезқуварман.
Ишимда йўқдир хато,
Излаб топганман ҳатто
Бир гал бўри изини,
Йўқолган хонқизини.
Кетаяпман ҳозирми?
Излаб укам Нодирни!

ЖАЛАДА

Шатир-шутир дўл келди,
Яшнаб қиру чўл келди.
Хўрозимиз жалада,
Хўрак излар далада.
Қолмасин деб шамоллаб,
Чақирволдик амаллаб.

БУЗОҒИМ

Сақич чайнар бузоғим,
Ўйинқароқ, сузоғим.
Чиққан учун эмишдан,
Чайнаб турар емишдан.
Ковши тўхтаса, Омон,
Унга бериб қўй сомон!

ЭҲТИЁТ БЎЛ

Келар бўлсанг боғчадан,
Ҳазир бўлгин кўчадан.
Уканг қўлин тутиб тур,
Яшил йўлни кутиб тур.
Ўтказ мошин қаторни,
Сўнг олиб ўт Сатторни!

ИССИҚДА

Олапарга бир қаранг,
Ранги-рўйи сомондай.
Ҳансирайди иссиқда
Аҳволи ҳам ёмондай.
Очиққанда қарамай,
Недир ютган шошилиб.
Ҳатто турар оғзидан
Бир парчаси осилиб.

ҲАЗИР БЎЛ

Сичқонга қилдим хитоб,
Ғажиб қўйма кўп китоб.
Ҳазир тургил мушукка,
Қараб қўйгил эшикка.
Қара этик ямоққа,
Тиқилмасин томоққа!

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси жамоаси уюшма аъзоси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари бош муҳаррири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Сафар ОСТОНОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси жамоалари «Ҳуррият» газетаси бош муҳаррири Абдурасул Жумақуловга онаси

Хоним СУЮНЧАЛИЕВАнинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси жамоаси уюшма аъзоси, ёзувчи Анвар Намозовга отаси, ёзувчи ва таржимон

Фатҳулла НАМОЗОВнинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Таваллуд кунлар

Ёдгор Саъдиев – 12 июнь (1946) – актёр, Ўзбек Миллий академик драма театри директори, Ўзбекистон халқ артисти.

Файзуллахон Аҳмадалиев – 12 июнь (1950) – рассом, Ўзбекистон Бадиий академияси ҳақиқий аъзоси.

Жасвант Анназаров – 12 июнь (1987) – ҳайкалтарош, Ўзбекистон халқ рассоми.

Норпошша Ҳасанова – 13 июнь – актёр, Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театри актёри.

Улуғбек Солиҳов – 14 июнь (1945-2019) – композитор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист.

Жавлон Умарбеков – 17 июнь (1946) – рассом, Ўзбекистон халқ рассоми.

Маънавият дафтари

Қабрда ётганлар пушаймон қилаётган ишлар устида тириклар бир-бири билан қирпичоқ бўлмоқдалар.

Абу Ҳомид ҒАЗЗОЛИЙ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru

Муассис: ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Ҳамкоримиз: imzo akfa

Бош муҳаррир Салим АШУРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Масъул котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир: Шуҳрат АЗИЗОВ
Саҳифаловчи: Зафар РЎЗИЕВ

Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида томонидан 0283 рақам билан рўйхатга олинган.
Адади - 2853. Буюртма Г - 644.
Ҳажми - 3 босма табоқ, А- 2.
Нашр кўрсаткичи - 222.
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

«Шарқ» нашриёт- матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41- уй.
Босишга топшириш вақти - 21.00.
Босишга топширилди - 21.30.

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ
Сотувда нархи эркин.

ISSN 2181-614X

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233- 57- 42 Санъат бўлими: 233- 56- 40 Назм ва наср бўлими: 233- 58- 60